

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИГ ДАВЛАТ БАЙРОГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

 www.mv-vatanparvar.uz

@ vatanparvar09@mail.ru

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATAN ARVAR



Сайтимизга ўтиш
учун QR-кодини
сканер қилинг.



ЮРТИМ БАЙРОГИ

Кўхна ул мозийдан келгай бир садо,
Аждодлар пок рухи бергайдир нидо,
Бу юртда бўлсанг сен шоҳ ёки гадо,
Азиз Ватан учун айла жон фидо.

Кутлуғ саждаохдир бу она Ватан,
Шоҳу гадога ҳам кошона Ватан,
Тиллардан тушмас сўз – шукрона Ватан,
Ўзбегимга тилло остона Ватан.

Бизга мададкордир аждодлар рухи,
Дилларга завқ бергай эркнинг шукухи,
Мазур ҳилтирайвер юртим байроғи,
Абадий нур сочсин Эркнинг маёги

Миродил ЎСАРҚУЛОВ



4-Б-БЕРДА

ҚОР ҚОПЛАГАН ҚОЯЛАР



10-БЕРДА

БОЛАСИМАН
ЎЗБЕКИСТОННИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида суд ҳужжатлари ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда суд ҳужжатларини ижро этиш ҳолати туман ва шаҳарлар мисолида кўриб чиқилди. Қарздорликларни қисқартириш бўйича мамлакат даражасида алоҳида, вилоят ва туманлар миқёсида алоҳида тизимда иш олиб борилиши белгиланди. Қарздорнинг мол-мулки йўқлиги сабабли тўхтатилган ижро ҳужжатлари билан ишлаш масаласи муҳокама қилинди. Қарздорлар тўғрисида ягона электрон платформа яратиб, уларни нотариус, банк, солик, давлат хизматлари, божхона, кадастр, ички ишлар ва бошқа идоралар базасига интеграция қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда давлат ижро чиларининг иш ҳажми масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Кўп жойларда битта ижро чигига тўғри келаётган ҳужжатлар сони меъёрлардан зиёд экани кўрсатиб ўтилди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.



7 | 9

ВАТАН –
ИЧКАРИРОҚДА,
НАҚД ЮРАКНИНГ
ҮЗИДА!

ЭНГ БУЮК ИЛМ
ВА САНЪАТ
ФИДОЙИЛАРИ

12 | 18

БОЙҚҮНФИР
ЛОЛАЛАРИ

ЎЗБЕКНИНГ АРСЛОН
ЎҒЛОНИ

Мудофаа вазирлиги тизимиға оид сўнгги янгиликлар
билингвистикага манзиллар орқали танишинг:

 t.me/mv_vatanparvar_uz
 t.me/mudofaa_press

 facebook.com/UzArmiya

 instagram.com/uzbekistanarmy

2020 йил 20 ноябрь, № 47 (2902)

Бахром АБДУРАХИМОВ сурʼатта олган

МИЛЛИЙ ФУРУР

БАЙРОГИМИЗДА АКС ЭТГАН ВАТАН СУРАТИ

Байроқлар тарихига назар ташлар эканмиз, манбаларда у эрамиздан аввалги 3-2 минг йилликда пайдо бўлганлиги қайд этилади. Аслида байроқлар қабилаларни ўзаро бир-биридан фарқлаб кўрсатувчи белги сифатида юзага келган бўлса, кейинчалик ҳукмдор ва лашкарбошиларнинг хуқмронлигини англатадиган рамзга айланган. Буюк ўтмиш шонли тарихга эга ҳалқимизнинг давлат барпо этиш фояси, умуминсоний қадрияларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзларида акс этган. Ўз рамзига эга бўлган давлат ўз тақдирини ўзи белгилайди.

Ватандошларимиз учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – давлат герби, байроғи, мадхияси доимо азизидир. Шу боис, байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда, байроғимиз баланд-баландларда ҳилпираганда ёки мадхиямиз янграганда руҳий қувватни, қалбимизда фурур ва буюк истиқболга бўлган ишонч туйгусини хис этамиз.

Жаҳон майдонларида юртошларимиз улкан ғалабаларга эришиб, байроғимизни кўкларга кўтарганда, давлат гербини ўпиб, пешонамига суртганда, давлатимиз мадхияси янграганда беихтиёр қалбларимиз жунбушга келади, кўзларимизда севинч ёшлари қалқиёди. Албатта, жасур Ватан ўғлонлари юксак ғалабалар нашидасини нишонлашда давлат рамзларига қўлларини кўксига қўйиб тъязим қиласидар. Биз учун байроқ озодлик тимсоли, миллий ифтихор рамзидир. Давлатимиз байроғини беихтиёр Ватан суратларига қиёсласак бўлади. Ўзбекистон қўёшли ўлка, буюк тарих, маънавият ва маданият яратган диёрdir.

Бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигига мамлакатимиздаги янгиланиш ва ислоҳотлар хақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти «Янги Ўзбекистон» деган иборани тилга олмоқда. Бу юртимиздаги ўзгаришларга берилган муносиб баҳодир. Айниқса, мамлакатимиздаги мана шундай ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқиши янада ошириб,

унинг ҳалқаро майдондаги нуфузини тобора мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Бугун Янги Ўзбекистонни порлаётган қуёшга қиёсласак, ундан тараалаётган имлу зиё нури кўхна заминга меросдир. Давлатимиз байроғи ҳалқимизнинг иродасини тоблаб, элни эзгулик, улуғ ва буюк мақсадлар сари бирлаштириб ҳалқимизга руҳий қувват беради. Миллий байроғимиз жуда чиройли унда улуғворлик, эзгулик, тарихимиз акс этади.

Жалолиддин Мангуберди қўлида баланд қўтаришларга байроқ тарих саҳифаларини безайди, Нажмиддин Кубро маҳкам ушлаган яшил матода улуғ ватанпарварлик мужассам, Амир Темур заковати ва саркардлик маҳорати уйғунлашган байроқда ҳалқ тинчлиги ва юрт осойиштаги ўз аксини топган. Шу боис, давлат рамзи сифатида байроқ ёруғ истиқболни мужда қилаётгандек залворли ҳилпираиди.

Мардлик ва юксаклик мартабасини ўзини акс этувчи байроқ томирларда оқаётган қонни жунбушга келтиради. Уни мамлакат марказларга ўрнатиш эса ҳар бир фуқаро қалбини фурурга тўлдиради. Айниқса, Ватан озодлиги йўлида мўғул зулмига қарши мардонавор курашган Шайх Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлик жасорати или озодлик учун «Ё Ватан ё шарофатли ўлим» дея сўзлаган оташин нутқи қалбларни ларзага келтиради. Шонли тарихимизнинг залворли саҳифаларидан бири – «Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинган кун сифатида нишонлаймиз.

ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ!

Давлат рамзлари ҳар бир мамлакат, ҳар бир ҳалқ учун ҳамиша муқаддас саналиб келган. Негаки, мадхия, байроқ ва герб ўша ҳалқнинг ўтмиши, бугунги куни, келажагини акс эттирувчи тимсоллардир. Шунинг учун ҳар йили 18 ноябрни давлатимиз мустақиллигининг рамзларидан бири – «Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинган кун сифатида нишонлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида ушбу санага бағишилаб, «Ватанимиз байроғи – фахримиз, фуруримиз!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда сўзга чиқсанлар давлат рамзлари мамлакатимизнинг мустақиллигини ифодаловчи белги эканлиги, шунингдек, ҳалқимизнинг шон-шарафли тарихини ўзида акс эттирувчи, аждодларимизнинг қаҳрамонликларини ифодаловчи, тинч ва осойишта ҳаётимиз, нурли келажагимизни ўзида мужассамлаштирган тимсоллар эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Таниқли олим, нотик ва мураббий, филология фанлари номзоди Раҳимбой Жуманиёзов ўз илмий маъruzасида ҳалқимиз тарихига оид маълумотларга тўхталиб, түғни муқаддас деб билган Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари ўнлаб аждодларимиз ҳаёти бугунги авлодга намуна бўлишини таъкидлади. Байроғимиз сарбаланд ҳилпирааб, барчани ҳамиша улкан мақсадлар сари етакловчи рамз бўлиб қолишига ишонч билдири.

Маънавий-маърифий тадбир якуннада Ўзбекистон давлат филармониясининг «Лазги» ашула ва рақс ансамбли хонандарининг куй-кўшиклари ижро этилди.

Камолиддин АСРОР

рида ҳамон Шайх Нажмиддин Кубронинг буюк қаҳрамонлиги тилларда достон бўлиб, ҳанузгача ҳалқимизни ватанпарварликка, қаҳрамонликка чорлади.

У ўзининг юксак жасорати туфайли юрт байроғини ёв қўлига топшириши истамай жонидан ортиқ асраран. Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Темур Малик, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб саркардалар ҳаёти ҳам бугун ватандошларимизга катта ибратдир.

Давлатимиз байроғидаги оқ, мовий, қизил ранглар, ўлдуз ва ой тасвиirlари ўзига хос тарзда мазмун ва моҳиятни ифодалайди. Байроқдаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзиидир. Тимсоллар тилида бу – яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шоншуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангда эди. Яшил ранг – табиатнинг янгиланиш рамзи. У кўпгина ҳалқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади. Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда у қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзи ҳамдир. Давлатимиз байроғидаги 12 ўлдуз тасвирини ўзбек ҳалқи маданиятининг қадимилиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим. Аждодларимиз ҳамиша юрт байроғини муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек асраран.

Буюк сохибқирон Амир Темур гониблик байроғини юксак кўтарди. Бу байроқ остида буюк эл бирлашди, у барпо этган улуғ салтанат довруғи дунёда достон бўлди. Бу давар давлатчилигимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Темур салтанатида байроқ том маънода мамлакат рамзи, улуғворлик тимсолига айланди. Жангчиларга жанговар руҳ бағишилаш, уларнинг кайфиятини кўтариш, иродасини чиниқтириш

мақсадида у жанг майдонлари узра баланд ҳилпирааб турган.

Темур салтанатида байроқ энг ишончли жасур жангчилар томонидан кўрикланди. Амир Темур замонида байроқни паст тутиш ёки сарбознинг кўлидан тушиб кетиши хосиятсиз саналган. Бунга Амир Темур алоҳида эътибор қаратган. Байроқнинг пасайтирилиши мағлубият ва орта чекиниш ишораси бўлган. «Темур тузуклари»да қайд этилишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба қозонган амирлар ва сипохийларга давлат тимсоллари – туғ ва ногора инъом қилинган.

Дунё мамлакатларидаги элчихоналаримиз, қатор ҳалқаро ташкилотлар қароргоҳларида байроғимиз Ўзбекистон рамзи бўлиб турибди. Хорижда бўлганимизда ҳилпирааб турган байроғимизга кўзимиз тушар экан, юрагимизда чексиз фаҳр ўйғони, руҳимиз кўтарилади. Байроғимиз тимсолида дунёнинг ҳар қайси нуқтасида Ўзбекистон деган ҳимоямиз, суняничигимиз борлигини хис этамиз.

Одатда, давлат байроғи юртнинг жасур, баҳодир ўғлонларига ишониб тақдим этилган. Албатта, мана шундай ширин лаҳзалар ҳар бир ватандошимида юртга бўлган чексиз меҳр ва садоқатнинг ёрқин намунасини намоён этади. Зоро, давлат рамзлари она Ватан каби азиз ва муқаддас бўлиб унда ҳалқ тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топгандир. Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз байроғи ҳалқимиз ор-номусини ўйғотувчи бекиёс тимсол сифатида озодлик, Ватанни севишига давлат этиб, миллий фурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантириша мухим аҳамият касб этади.

**Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази бўлим
бошлиғи, сиёсий фанлар
бўйича фалсафа доктори.
(ЎЗА)**



ОЗОД ЮРТ ТИМСОЛИ

Фавқулодда вазиятлар вазир-лиги академиясида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинининг 29 йиллиги муносабати билан «Байроғимиз – фахримиз» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Расул Кушербаев, Козимжон Тоҷиев, Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси аъзоси Сирожиддин Раупов, Ёшлар иттифоқи Сергели туман кенгаши раиси Азизбек Қаюмов ва бошқа давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда курсантлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиқсанлар давлат байроғи озод ва обод Ватан тимсоли, ҳалқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишлари ифодачиси сифатида бизни улуғ мақсадлар томон бошловчи маёқ эканлигини, зоро, унда аждодларимизнинг орзу-армони, ҳалқимизнинг бугуни, ўлмас хотираси, келажакка бўлган комил ишончи ўз аксини топгани ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб беришди.

Тадбир давомида мавзуга оид видеолавҳа намойиш этилди, шеърлар ўқилди, Ватан ва ватанпарварликни тараннум қилувчи қўшиқлар янгради.

Муҳаммадкарим АБДУЛҲАМИДОВ

ИФТИХОР

Пойтахтимизда 18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишиланган тантанали фестиваль ва маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Эрта тонгдан бир гурух ёшлар, ҳарбий хизматчилар, ижодкор ва санъаткорлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ҳарбий техникаларда шахри азим кўчалари бўйлаб байроғимизни баланд тутган ҳолда «Ашхобод» боғидан дастлаб Амир Темур хиёбони, сўнг «Халқлар дўстлиги» саройига марш ўюштириди. Ушбу манзилда Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардияга қарашли ҳарбий техникалар кўргазмаси намойиш этилди.


Сўнгра Республика Маънавият ва маърифат маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган концерт дастури барчани бадиий саҳна теварагига жамлади. Тадбирда сўзга чиққанлар давлат бай-



Мақола асосида тайёрланган
видео роликни томоша қилиш
учун QR-кодини сканер қилинг.



ХИЛПИРА, БАЙРОИМ, ХИЛПИРА МАГРУР!



роғи Учинчи ренессанс пойдеворини яратётган ўзбек халқининг тинчлиги, мамлакат суверенитети рамзи эканини таъкидлади. Марат Ҳакимов, Юлдуз Усмонова, Ҳулкар Абдуллаева сингари таниқли хонандалар ижросида она юрт, ватанпарварлик, эл тинчлиги тараннум этилган кўй-кўшиклар узокларга ва узоқ вақтга қадар жаранг сочди.

– Ўйлаб кўринг, нима учун байроқ доим баланд туради, бош узра ҳилпирайди? Негаки, у ўз пойида миллионлаб одамларни бирлаштиради. У инсонга куч-құдрат бағишилайди. Мақсадни тарбиялайди, иродани тоблайди. Оғир жанг ҳолатларида йиқилганни турғазади, кўркувни жасоратга, заифни матонатли инсонга айлантира олади, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо. – Ўзбекистон байроғида миллий давлатчилигимиз, мустақил ва мустаҳкам давлат барпо этиш борасидаги эзгу ғоямиз, миллий ва умуминсоний қадрияларга содиқлигимиз, орзу-мақсад, интилишларимиз, ор-номусимиз ва ғуруримиз акс этган. Давлатчилигимизнинг қайси бир даврини олиб қарамайлик, доимо миллат рамзлари, Ватан тимсоллари энг азиз ва муқаддас қадрият сифатида эъзозланган. Жангу жадалларда давлат байроғини энг ишончли баҳодирлар, паҳлавонлар қўриқлаган. Муқаддас туғини асрар қолиш йўлида аждодларимиз ҳатто ўз жонидан ҳам



кечганини кўрсатувчи талай мисоллар бор. Ўзнавбатида, ғурур билан байроқ кўтарган инсон минглаб қалбларга байроқ тика олади.

Куннинг иккинчи ярмида мазкур фестиваль «Галаба боғи» ёдгорлик мажмуасида давом этди. Унда нодир тарихий экспонатлар кўргазмаси, «Турон» давлат ҳарбий театрни, Ватан ҳимоячилари ва ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишилари, ҳарбий оркестр дефилеси тадбир иштирокчиларида унтилимас таассурот қолдириди.

* * *

«Экобозор» савдо мажмуасида Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилингани-

нинг 29 йиллиги муносабати билан «Ватанимиз байроғи – фахримиз, ғуруримиз» шиори остида ватанпарварлик акцияси ўтказилди.

Акция доирасида Қуролли Кучлар академияси ҳамда Ёшлар иттифоқи Мирзо Улуғбек тумани кенгаши вакиллари байроғимиз тасмасини савдо мажмуасига ташриф буюрувчилар ва пойтахтимиз меҳмонлари кўксига қадаб кўйдилар. Шунингдек, ҳарбий оркестр ижро этган ватанпарварлик руҳидаги дилтортар куй ва мусиқалар барчани рақсга чорлади.

– Кўзни қувнатувчи ранглар акс этган байроғимиз ҳар қандай ўзбек фарзанди қалбига беихтиёр ғурур, ифтихор бағишилайди. Шундай экан, миллиатимиз ғурурини ифодаловчи байроғимиз дунё ареналари узра доимо юқори ҳилпирайверсин! – дейди Тошкент педиатрия тибиёт институти асистенти Зилола Шарипова.

Байрам шукухи Қуролли Кучлар академияси ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги 299-умумтаълим мактабида давом этди. Ушбу таълим мусасаларида ўтказилган давлат рамзларига доир интеллектуал викторина, расмлар танлови ҳамда шеърхонлик кечалари тадбирнинг кўтаринки руҳда ўтишига хизмат қилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»



Муалиф ва баҳор АБДУРАҲИМОВ сурʼатга олган



ҚОР ҚОПЛАГАН ҚОЯЛАР

ТИНГЛОВЧИЛАРНИ
АМАЛИЙ
ТАЖРИБАЛАРДА
ТОБЛАДИ



Шаҳарда об-ҳаво сал совий бошлагани билан қордан дарак йўқ эди. Мудофаа вазирлиги «Чимён» тоғ тайёргарлиги ўқув-машқлар марказига боришимиз билан ҳовлидаги қорни кўриб, дилимиз равshan бўлиб кетди. Аммо хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади.



Тасвирга олиш жараёнида ўқув нуқтаси бўйлаб ҳаракатланар эканмиз, бир чўққидан иккинчи қояга қор кечиб ўтишимизга тўғри келди. Озгина тин олиш учун қуруқ жой ахтариб, топа олмадик. Аммо бу хизмат сафари тоғ тайёргарлиги машғулотларини ҳис қилдира олгани билан эсда қоларли бўлди. Адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек «Билган билиб қўявериши мумкин, ҳис қилган ҳис қилиб қўявермайди».

«Тоғ шарпаси» ўқув курслари мобайнида ҳарбий хизматчилар малакали мутахассислар раҳбарлигида жанговар ва жисмоний кўникмаларини оширмоқдалар. Тингловчилар денгиз сатҳидан 2 000 метрдан ортиқ баландлиқда кундузги ва тунги отиш, разведка ва алоқа, ҳудудга мувофиқ никобланиш, шартли беморни фавқулодда эвакуация қилиш, шартли душманни қуршаб олиш, пиистирмадан ҳужум, жарлик ва даралар орасида канат орқали хавфсиз ўтиш йўли тайёрлаш, тоғ анжомларидан бехато фойдаланиш каби мураккаб жанговар вазифаларни гуруҳ ва якка тартибда бажаришди.

Машғулот иштирокчилари тоғнинг тик қоялари ва тоғ дараларидан таранглаштирилган арқон ёрдамида ўтиш усуслари ва техникасини амалий жиҳатдан ўзлаштирад экан, машғулот раҳбари кичик сержант Ҳусниддин Бобоҷонов қайта-қайта тушунтиришдан, баъжарилган вазифаларнинг мукаммаллигини назорат қилишдан эринмасди. Чунки биргина






хатолик юксаклиқда амалға оширилаётган саъй-ҳаракатлар сабаб кутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмасди. Бу эса ҳүшёр ва сергакликни, жамоада мустаҳкам жипсликни таъминлашни талаб қилади.

Харбий хизматчига фаолияти давомида таваккалчилік, хавфу хатар, ностандарт вазиятлар аксарият ҳолларда ҳамроҳ бўлади. Тоғ тайёргарлиги машғулотларида эса бу каби мураккабликлар икки хисса ортади. Чўққилар, қоялар ва тик тушган адирликлардаги ҳаракатлар давомида Ватан ҳимоячилари яраланиши, жароҳат олиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам тоғда ҳаракатланадиган ҳарбий хизматчилар тиббий билимларни бошқалардан кўра пухта эгаллашлари лозим. Марказ тингловчилари машғулотлар давомида бу борадаги билим ва кўнгималарини ҳам оширидилар. Улар жанговар ва ўқув вазифаларини бажариш вақтида жароҳатланган ҳарбий хизматчиларга биринчи тиббий ёрдам бериш усуларини ўзлаштиришди.

Тоғда ўтказиладиган машғулотларда иштирокчилар топография, тактика, тиббий тай-




ёргарлик каби мухим жабҳаларни мукаммал ўзлаштириш билан биргаликда тоғ илмидан хабардор бўлиши, табиатнинг нозик унсурларини илғаш каби билим ва тажрибаларни билиши лозим.



Қоялар орасидамиз. Битта чўққига туашган адирлик оппоқ қор билан қопланган бўлса, унинг шундоқ ёнидаги қуёш илтадиган қоялар қуп-қуруқ. Бир манзарада икки фаслни кўриш мумкин. Қор қоплаган қоялару қуп-қуруқ адирликларда тобланган ҳарбий хизматчилар ҳар қандай вазиятда белгиланган вазифани бекаму кўст бажарадилар.

Машғулот иштирокчилари билан биргаликда ҳаракат қилиб, юқорига чиқишнинг машаққатини, пастга тушишнинг заҳматини хис қилдик. Амалий машғулотлар шунчаки тоқقا чиқиб, қайтиб тушишдангина иборат эмаслигини тушундик. Тик қоялар, илонизи адирликлар, оппоқ қор билан қопланган мұхташам тоғ тизмалари юрт ўғлонларини тоблаганига шубҳа йўқ.

**Катта лейтенант Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

МАРДУ МАЙДОНЛАР

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
қўшин разведкаси бўлинмалари
«Нукус» дала-ўқув майдонида
тактик-маҳсус ўқувида иштирок
этди.

Бўлинмаларнинг юксак жанговар шайлигини таъминлаш, ҳар қандай вазият ва шароитда жанговар вазифани бажаришга ўргатиш, уларнинг ҳаракатчанлигини ошириш ва такомиллаштиришга қаратилган бу каби ўқувлар ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини юксалтириб, амалий кўникумларини мустаҳкамлашга хисса қўшади.

Дастлаб ҳарбий округ қўмондонлиги томонидан бўлинмаларнинг амалий машғулотга тайёр-ғарлик даражаси ҳамда ўқув-моддий базаларнинг бутлиги саф кўриги орқали текширилди.

Эрта тонгда берилган шартли сигналга асосан юқори жанговар шайлика келтирилган бўлинмалар тез орада белгиланган майдонда саф тортиб, полигонга чиқиш учун ҳозирланди. Шундан кейин ҳарбий техникалардан жой олган

ҳарбий хизматчилар колонна бўлиб полигонга йўл олди.

Полигон ҳудудига етиб келган бўлинмалар жойлашув, кўриқлов, таъминотни ташкиллаштириш, олинган ўқув-жанговар топшириқча асосан вазиятни баҳолаш ҳамда шартли душманнинг куч ва воситаларига аниқлик кириди.

Белгиланган ҳудудда ҳарбий хизматчиларнинг жойлашиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, никобланиш талабларига амал қилиниши ва маҳфийликни таъминлаш ҳамда разведка маҳсус

техник воситаларидан фойдаланиш бўйича эгалланган кўникумларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бир неча кун давом этган ўқув йигинида бўлинмалар пиистрма, қуршов, шартли душман жойлашган ҳудуд томон узоқ масофага пиёда маршни амалга ошириш ва ҳудудни заарсизлантириш бўйича тактик-ўқув операцияларни бажарди. Машғулотлар кундузи ва тунги вақтда чўл шароитида олиб борилди. Пиёда марш юришда шартли душман томонидан кимёвий моддалар қўлланилган майдондан ҳимоя воситаларини кийган ҳолда ўтиш меъёрлари ҳам бажарилди.

Машғулотлар давомида шахсий таркибнинг назарий билими, амалий кўникумлари, жисмоний ва руҳий ҳолати синовдан ўтказилди. Бўлинма



командирларининг ностандарт вазиятларда тезкор қарор қабул қилиш қобилияти, куч ва воситалардан унумли фойдаланиши ҳамда бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлик ва жипсликда ҳаракатланиш кўникумаси назоратдан ўтказилди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати**

**САМАРАЛИ ЕЧИМ**

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИГА ЭЪТИБОР

Жамоатчилик фикрининг жамият ижтимоий ҳаётидаги таъсири масаласи ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамоатчилик фикрига «адолатлилик принциплари» асосида ва унинг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашиб вақти келди. Шу нуқтаи назардан қараганда жамоатчилик фикри тушунчаси даврлар оша шаклланиб келаётган тушунча бўлиб, у турли даврларда, турлича қарапшларда акс этиб келган.

Тарихга назар солсак, Моваро-уннахр ҳалқлари жамоатчилик фикрининг салмоғини ислом қоидаларига мувофиқ ахлоқ тизими билан боғлиқлиқда қайд этишган. Бунда жамоа аъзоларининг тўғри ва ҳалоллиги, гуноҳ ишлардан қанчалик ўзларини фориг тува билишларига эътибор қаратишганлиги билан ҳам изоҳланади. Манбаларда келтирилишича, жамоа аъзолари гуноҳ йўлга киргудек бўлсалар, уларни исломий қоидалар асосида тарбиялаш зарурлиги ҳам уқтирилган. Хусусан, буюк мутасаввуф Нақшбандий «Бу тоифа аҳлидан ҳар ким бир гуноҳ қилса, унга чора-тадбир бор, бироқ ундан юз ўгириш раво эмас» деб, мамлакатда ҳукм суроётган осойишталик, адолатлилик, меҳр-оқибат каби улуғ тушунчаларнинг устуворлигини кўрсатиб ўтади.

Бундан ташқари, Абу Наср Форобийнинг жамиятнинг барқарор тараққий этишида жамоанинг ўрни



ва аҳамияти ҳақида сўз юритилган «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги» рисоласини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Аллома бу асарида шундай ёзади: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоғи учун кўп нарсаларга муҳтоҷ бўлади. Одамзот ёлғиз ўзи бундай нарсаларга эриша олмайди ва уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабдан

яшаш учун зарур бўлган нарсаларни бир-бирига етказиш керак» деб, жамиятдаги мавжуд муаммоларнинг обьектив ечими жамоатчилик фикрида шаклланган қонуниятларда деб кўрсатади. Умуман олганда, ўша даврда жамоатчилик фикри ҳалқнинг ижтимоий ҳаётда, унинг фаолиятида ва бевосита ахлоқий тамоиллари асосида шаклланиб борган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «... Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишининг янги механизмилари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор» деб таъкидлаб ўтганлар. Зоро, «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори» деган ғоя рўёбга чиқиши учун янги механизм яратилиши мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштиришга, давлат ва жамият ҳаётни билан боғлиқ долзарб масалаларда қаорлар қабул қилишда жамоатчилик фикрининг таъсир кучи ошишига асос бўлади.

Маълумки, кўп йиллардан бери Мудофаа вазирлиги қўшинларида ўз ечимини кутаётган ижтимоий-психологик муаммоларнинг йиғилиб қолганлиги ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш зарурити туфайли давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898 сонли

қарорларига мувофиқ Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий округлар бошқарув аппаратларида «етакчи социолог» лавозими жорий этилди. Ҳозирда ушбу мутахассислар ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-иктисолий ҳаётига оид ва ҳарбий жамоатчиликда алоҳида қизиқиши ўйғотадиган ўта долзарб масалаларни ўрганган ҳолда, ўз тақлиф ва тавсияларини юқори қўмондонликка олиб чиқаётганларни жойларда ижтимоий масалалар самарали ҳал этилишига хизмат қилиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, шахс фикрининг жамоа фикрига монанд ва айнанлиги шу жамоага ўюшган кишилар бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам жамоатчилик фикри негизларидан бири унинг жамоавий хусусиятга эгалиги, унга ҳар жиҳатдан мустаҳкам таянишидир. Жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлари нечоғли мустаҳкам, бегараз ва табиий бўлса, жамоавий фикр ҳам шунчалик ҳаётий, кучли ва яхлит мазмун касб этади. Бу фикрлардан шуни англаш мумкинки, ҳар қандай жамият жамоатчилик фикри асосида ривожланади ва тараққий этади.

**Катта лейтенант
Шухрат НАВРЎЗОВ,
Тарбиявий ва мағкуравий
ишлар бош бошқармаси
катта офицери**

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

Олам мукаммал бир қонуният асосида қурилган. Инсоният уни турфа кўйларга солгиси келади. Ўз қонунларига бўйсундиргиси келади.

Ирқчиликни ҳам инсонлар ўйлаб топди. Бироқ... Ҳамма учун севинч севинчdir, қайғу қайғудир. Инсон севади, севилади, гўдак дунёга келишидек буюк мўъжиза қувончини ҳис қилмайдиган одам бўлмаса керак. Яхшики, айрим инсонлар инсонни ўзига англашиб учун илоҳий илҳомлар билан сийланган. Булар ёзувчилар, шоирлардир.

Эътибор беринг-а, дунёning нариги чеккасида яшайдиган бир адабнинг ёзганлари унинг бериги чеккасида яшовчи инсонларнинг қалбига кириб боради. Сўз отли мўъжиза құдрати билан кириб боради. Гўё унинг дардлари, ташвишлари, туйғу-кечинмалари қаламга олингандек севинади, тўлқинланади. Ўқийсиз, айни ўша дамда адабнинг миллати, ранги, ирқи сиз учун аҳамиятини ўқотади. Чунки у соғ инсоний кечинмаларни қаламга олди. ИНСОН ҳақида ёзи. Инсон эса ҳамма жойда инсондир.

Бугун сизга жаҳон адабиёти хазинаси дурданларидан тавсия этамиз. Дунёning ҳамма жойида севиб ўқилган, ўқилаётган, ўқилажак ҳикоялардан сўз айтамиз. Сўз айтамиз деб сал ҳаддимдан ошдим, тавсия қиласиз.

Жаҳон адабиёти хазинасидан «Бир кунлик қўнаға» тўплами 2018 йилда «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида нашардан чиқкан. У. Бўтаев, Н. Бўтаева тўплаб, нашрга тайёрлаган. Жуда бебаҳо китоб. Муқоваси гўзал, ёқимли, жаҳон тан олган адабларнинг сара ҳикоялари етук таржимонлар томонидан ўзбек тилига юксак маҳорат билан чевирилган.

Тўпламнинг биринчи ҳикояси «Муз» рус адаби Иван Бунин қаламига мансуб. Унинг гўзал шеърлари ҳам бор. Шоирлиги насрый асарларида ҳам яққол акс этиб туради. Адабнинг ҳикоя ва киссаларида шеърларидағи каби бетакор тасвирлар учрайдики, гўзал табиат симфонияси жамики ранглари билан кўзларингизда жилваланади, қалбингизга ҳузур беради.

«Муз»дан ўқиймиз: «Атроф қарағайзор ўрмон, уззукун ёмғир ёғади. Аҳён-аҳёнда ёрқин зангорликлар узра оппоқ булуғлар тўпланди, теваракни майин бир шовқин қоплайди, кейин қуёш нурлари орасидан шаффоф ёмғир томчилари дувиллаб тўклиди. Ўрмонзор тепасида хушбўй қарағайларнинг ховуридан юксалган улкан бүф пайдо бўлади...»

Кечалари ярим тунгача зимистон бўларди; ўрмонзор узра гарб осмонидан ҳар доим кўрингувчи нимёруғлик ойдин кечаларда ой ёғдулари билан ўшандай осуда, ҳаракатсиз, ажойиб ва афсунгар бир ҳолатда қўшилиб кетарди. Тўрт тарафда ҳоким бўлган ана шу хотиржамликни, ана шу сокинотни, мусаффо осмон ва ҳаводаги ана шу осоишталикни сеза туриб, энди ҳеч ҳам ёмғир ёғмаслиги мумкин, дез ишонардим. Аммо Музани бекатга кузатиб қўйиб, ўрнимга чўзилишим биланоқ, бирдан ёмғир бошланганини, томни тарақлатиб шовқин солаётганини эшитардим, ташқаридаги қоронгилик бағрида чақмоқнинг қирихон шуълаларини кўрардим».

Муҳаббат мангум мавзу. Ва энг гўзал асарлар муҳаббат ҳақидадир. Ҳерман Ҳессенинг тўпламга киритилган «Мармартарош» ҳикоясини ўқисангиз бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Ҳерман Ҳессе асарлари энг кўп ўқиладиган, энг кўп тилларда ўқиладиган дунё адабидир.

Шунингдек, тўпламга яна бир улуғ адаб Стефан Цвейгнинг «Нотаниш аёл мактуби» новелласи ҳам киритилган.

Азиз ўқувчи, тўпламдаги ҳар бир ҳикоя ҳақида таассуротларимни айтгим келяпти. Бу саҳифани кузатиб бораётганлар биладиларки, мен тавсия

ВАТАН – ИЧКАРИРОКДА, НАКД ЮРАКНИНГ ЎЗИДА!

килаётганим асл асарлар мазмуни ҳақида сўзлашни хоҳламайман. Чунки бу мутолаа завқига путур етказади, деб ўйлайман. Ўқилмаган асар кашф қилинаётган мамлакатдек, очилаётган янги ер каби сирли, ўзига тортиб туради. Мен ўқувчиларимиздан ана шу ҳузур, иштиёқни кетказишни истамайман.

Шундай бўлса-да тўпламдаги бир ҳикояга дикқатингизни тортгим келяпти. Бу турк адаби Умар Сайфиддиннинг «Элчи» ҳикоясидир. Унинг таржима ҳолини ўқиб, бор-йўғи ўттиз олти йил умр кўрганини билдим. Киска умр. У ҳарбий мактабда ўқиган. Измир ва унинг атрофида беш йил офицер бўлиб хизмат қилди. Шеърлар битган, бадиий таржималар билан шуғулланган бўлса-да унга ҳикоялари жаҳоний шуҳрат келтириди. Сиз унинг биргина «Элчи» ҳикоясини ўқиб кўринг-а, нима учун Умар Сайфиддинни дунё китобхонлари бунчалик севиб мутолаа қилишларини осонгина англаб оласиз.

Элчилик... Бу замонавий бугунги дунёда хатарли вазифа саналмайди, менимча. Барча амал қиласидан ўзига яраша қонун-қоидалар мавжуд. Аммо бу ерда воқеалар ўн олтинчи асрда кечади. Бугун учун ҳам ибратли, бугун учун ҳам лозим бўлган, ҳеч эскирмас буюк туйғу – ватанпарварлик бор, унда.

«Элчи»дан ўқиймиз: «Шайхулаъзамга адолат хисси бегона эмасди. Фурури виждон овозига қарши чиқолмади. «Ҳа, – хаёлидан ўтди унинг, – кўнглимиздаги одам мана шу бўлади». Бундай довюрак зот Ватанига, ҳалқига қилинган ҳақоратни кўтартмайди, ўлимдан қўрқиб бош эгмайди».

Қани, имкон бўлса-ю сизга бу ҳикояни сўзлаб берсан. Аммо уни ўзингиз ўқишининг керак, фарзандлар даврасида ўқисангиз, ўғилларингиз қалбida мардлик ҳислари туғилади, қизларингиз қалбida мардларга буюк меҳр ўйғонади.

Ўқиймиз: «Шоҳнинг юзи мурдадек оқарди: элчи ҳатто оёғини ўтмади! Ақлини мислсиз ғазаб чулғади-ю, бироқ ўзини босиб, ёрлиқни қўлига олди.

Муҳсин Чалабий тахтдан узоқлашиб, атрофга бўкси. Ўтирадиган жой йўқ эди. Ўзича табассум қиларкан, «Гап бу ёқда денг! Шоҳ олдида эҳтиром-ла тик туришимни хоҳлабдилар-да! Бу ҳақоратга қандай жавоб қилсан экан?» деб ўйлади... Муҳсин Чалабий шартта эгнидаги пушти гавҳарли ҳирқани ечди-да, тахт қаршисига – ерга тўшади... Қимматбаҳо ҳирқага чордана қуриб, сўзлай бошлади. Овозидан жинлару аждарларнинг ажиг тасвирлари билан безалган олтин гумбазлар титраб кетди:

– Ёрлигини қабул қилиб олганингиз буюк подшоҳим Ўғуз Қорахон наслидандир... Дунё яралгандан бери аждодлари хуқмдор ўтган подшоҳнинг элчиси ёт подшоҳ қаршисида тик туролмайди...

Сўзини тугатган Муҳсин Чалабий кетишга рухсат ҳам сўрамай ўрнидан турди-да, эшик томон йўналди.

Муҳсин Чалабий чиқиб кетаётган пайт шоҳ ўзи сингари қотиб қолган мулозимларидан бирига:

– Ҳирқасини бериб юборинг, – дея олди, холос.

...Муҳсин Чалабий тўхтади, юзида табассум жилваланди. Сўнг эшик томон бурилди-да, шоҳ



эшитар қилиб сўзлади:

– Йўқ. Мен унугтаним йўқ. Уни сизга қолдираман. Саройингизда буюк подшоҳнинг элчисини ўтқазишига на гилам, на тўшак кўрдим. Буни устига, турк ерга тўшаган нарсасини ҳеч замон қайтиб эгнига илмайди».

Аслида бу мўъжиза ҳирқага вазири вузаро подшоҳга инъом этмоқ илинжида харидор эди. Муҳсин Чалабий ҳирқа учун ерини, кўтонини, уйини гаровга ўйған, тужжорлардан ўн минг олтин қарз кўтарган эди... Ватан шаъни бундай ҳирқалардан баланд туради!

Тўпламда том маънода дурдана ҳикоялар

«Инсон боласи енгилиб, енгилганига рози бўлиб кетавериш учун яратилмаган».

Эрнест Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз» асаридан

жамланган. Қайси бири ҳақида тўхталишни билмаяпман. Эрнест Хемингуэй ҳикояси ўзи бир олам, Нажиб Маҳфуз қаҳрамонлари ҳам бизга ёт эмас. Михаил Шолоховнинг «Хол» ҳикояси кичик бўлса-да шафқатсиз бир даврни акс эттира олган. Бу ҳикоя якуни қалбингизда симиллаган оғриқ ўйғотади.

Сўзимни севимли адабим Нодар Думбадзенинг «Хелладос» ҳикоясидан парча билан якунлайман. Чунки бу парчадан кейин бир сўз қўшиш ортиқчадир!

Ўқиймиз: « – Қандоқ тушунтиурсамикин... – деб гап бошлади ниҳоят. – Онам йўқ, ҳатто эслолмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тириклик ташвишида... Мен кўчада, Венециан кўчасида катта бўлдим... Менинг Ватаним, менинг Элладам бу – Суҳуми, кўча, Чалбаш; бу – Кока, Петя, Курлика, Фема, Қора денгиз, кўприк... – У бир ютиниб олиб давом этди: – Бу – Мида... қолаверса, сен...

Миданинг исмини менинг олдимда Янгули биринчи марта тилга олаётганди. Аммо мен Мида – бир абхаз кишига турмушга чиқсан грек аёллининг қизи эканини, Суҳумида ундан гўзал қиз ўқлигини, Янгули уни яхши қўришини билардим.

– Тушундингми энди?

Аъзоль баданим жимиrlab кетди. Бунақа сўзларни умримда биринчи марта эшитаётгандим.

– Бу нима бўлмас? – Мен Янгулининг кўрагани очиб, баланд овозда ўқидим: – Хелладос.

– Бу – нақш, Жамол. Ватан – ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида! – Янгули қўлини кўксига ўйди.



Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Vatanparvar»

ТАЪЛИМ

Борган сари дунё армияси янгича тусга кириб бормоқда. Бугунги ҳарбий хизматчилар учун жисмонан бақувват, жанговар шайликнинг ўзи етарли эмас. Улар юксак маънавиятли, юқори интеллектуал билим соҳиби ҳам бўлиши шарт. Шу маънода юртимиздаги ҳарбий илмий салоҳият дунё Қуролли Кучлари орасида саралар ичра сара бўлишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Қуролли Кучлар академиясининг олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига кириш имтиҳонлари мобайнида ҳарбий хизматчиларнинг энг саралари танлаб олинди. Мудофаа вазирлиги миқёсидаги муносиб талабгорлар келгусида юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва Қуролли Кучлар илмий салоҳиятини оширишга ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар.

Ватан ҳимоячиларининг мазкур имтиҳонга тайёргарлик кўриши учун ҳарбий хавфсизлик, ҳарбий бошқарув ва санъат, таъминот

ҲАРБИЙ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ



Муаллиф сурʼатга олган

турлари ва моддий таъминот кафедраларининг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан консультациялар ўтказилди. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган ҳарбий

хизматчилардан умумқўшин, артиллерия, моддий-техник таъминоти ва техник таъминоти мутахассислари тайёрланади.

А. ҲОТАМОВ

ҚУТЛУҒ САНА

ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФИ, ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ | БИЛИМ ЙОРТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КУН ТАНТАКАЛИ НИШОНЛАНДИ

Биргина ютуқни қўлга кириш учун қанчалаб муваффақиятсизликларни бошдан кечиришга тўғри келади. Барчани шодлантирадиган ғалабага эришиш учун эса қанча қурбонлик талаб қилинади. Шу боис ҳам бугунги кунда кўплаб эътирофларга сазовор бўлаётган Чирчик олий танк қўмандонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси олий ҳарбий таълим муассасаси ташкил қилинган қутлуғ сана тадбирларини ўтганларни хотирлаб, Шон-шараф майдонидаги монумент пойига гулчамбарлар қўйишдан бошлади.

Хотирлаш ва эҳтиром кўрсатиш тадбиридан сўнг ўтказилган саф ва қўшиқ қўрик-тандловининг финал босқичида шахсий таркибининг жанговар руҳи оширилди. Саф майдонидан ҳарбий қўшиқ кўйлаб ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хаёлида ўтмиш ва келажак гавдаланиб, Ватанга садоқати, хизматга шижаоти ортаётган бўлса, не ажаб. Ўз ўрнида уларнинг сафдаги ҳаракати, жўровози, қўшиқ кўйлашдаги маҳорати баҳолаб борилди. Нуксонли ўринларда танбех берилиб, намунали жамоалар эъти-



роф этилди. Голиблар махсус кубок ва диплом билан тақдирланди.

Шундан сўнг, ўтказилган мини футбол, волейбол, ҳарбийлашган эстафета, арқон тортиш, тош кўтариш, арғимчоқ сакраш, чавандоз жанги, баҳодирлар эстафетаси, узунликка сакраш, турнирда осилиб туриш каби бир-биридан шиддатли баҳсларда энг саралар голиб бўлди. Уларга олий ҳарбий таълим муассасасининг махсус совғалари топширилди.

Тадбир давомида йиғилганлар эътиборига билим юртининг тарихи ва бугунига бағишлиланган фильм намойиш этилди. Билим юртининг собиқ курсантти бўлган генерал ва полковниклар, давлат мукофоти соҳибларининг чиқишилари иштироқчиларнинг қалбидаги фахр-ифтиҳор тўйгусини ошириди.



Олий ҳарбий таълим муассасасининг бир гурӯҳ офицерлари, профессор-ўқитувчилари ва Қуролли Кучлар хизматчилари Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

А. НОРҚУЛОВ

Муаллиф сурʼатга олган

ЭЪТИРОФ

ЭНГ БҮЮК ИЛМ ВА САНЬАТ ФИДОЙИЛАРИ

Ўзбекистон Қуролли Кучлари давлат музейида Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали ҳамда Марказий шифохонада хизмат қилаётган ҳарбий тибиёт ходимларидан бир гурухини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари ҳамкорлигига ўтказилган тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғини тиклаш билан бирга йил бошидан бўён инсониятни таҳликага солган касаллик – коронавирус балосига қарши метин иродада ва қатъият билан курашаётган шифокор ва тибиёт ходимларининг мashaққатли хизматлари эътироф этилди. Мудофаа вазирлиги бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси истеъфодаги полковник Алишер



Кличев, Тошкент шаҳар бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Одилжон Настинов мудофаа тизимидағи касаба уюшмалари фаолияти, ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, қадрлаш, уларнинг соғлиғини тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача маълумот бериб, ҳарбий тибиёт муассасаларида хизмат қилаётган мутахассисларни касб байрам билан

қутладилар, самимий тилакларини билдирилар. Ҳозирги мураккаб даврда бор куч-қуввати, билими ва тажрибасини сафарбар этиб келаётган тиббиёт ходимларига фахрий ёрлиқ, қимматбахо совғалар ва гуллар тақдим қилинди.

– «Табобат барча илму санъатлар ичида энг буюк илм ва санъатдир», деган эди машҳур табиб Гиппократ, – дейди тақдирланганлар номидан сўзга чиқсан шифокор Муяссархон Нишонова. – Мен бу касбни эгаллаб, одамларга шифо улашиб, фақат раҳмат эшилдим. Бугунги эътироф ва самимий тилаклар руҳимизни кўтарди, одамлар дардига малҳам бўлиш учун бизга куч, илҳом бағишлади.

Фурқат ЭРГАШЕВ

Қуролли Кучлар академиясида ўзбек ва жаҳон адабиётининг забардаст намояндаси Мақсуд Шайхзода ҳаёти ва ижодига бағишлиланган давра сұхбати ўтказилди.

«БУ ЎЛҚАГА ҚАРЗДОРМАН»



Буюк адаб ва шоирларнинг қадру қимматини, бадиий маҳоратдаги устозлик даражасини ўлчайдиган ҳақоний ва ишончли мезон бу аввало, замон ва кенг китобхон оммаси саналади. Шундай сермашаққат синовни шараф билан адо этган сиймолар қаторида Мақсад Шайхзоданинг борлиги қалбимизга чексиз ифтихор бағишилайди. Зоро, бу ижодкор нафақат шоир ва драматург, балки адабиётшунос олим ва танқидчи, публицист ва таржимон сифатида ҳам ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирди. Халқимизнинг ёзма ва оғзаки адабиёти ҳақида теран ва ўрнак бўларли тадқиқотлар олиб борди, фольклор материаллари асосида ўлмас асарлар ёзди. Айниқса, олимнинг Алишер Навоий ижодига доир тадқиқотлари навоийшунослик йўналишида янги босқич бўлди.

Давра сұхбатида сўзга чиқсан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ойгул Убайдулло қизи адаб ҳаёти ва ижодига оид шу каби маълумотларни сўзлаб берар экан, бу буюк қалб соҳибининг бошқаларга ўрнак бўладиган инсоний фазилатларига ҳам тўхталиб ўтди:

– Мақсад Шайхзода Ўзбекистонни жон дилдан, улкан муҳаббат билан севарди, ардоқларди. Фикримнинг исботи сифатида унинг Аскад Мухторда сақланиб қолган бир мактубини келтираман. Унда жумладан шундай самимий сўzlари ёзилган эди: «Мен бу ўлқага, унинг одамларига ўла-ўлгунча қарздорман. Борди-ю, бир мўъжиза юз бериб, бир эмас, тўрт умр яшасам, тўртовини ҳам шу она юртимга бағишилаб, кечаку кундуз мадҳини айтардим ва шунда ҳам унинг менга бағишиллаган



саҳий меҳри учун қарзимнинг мингдан бирини ҳам узолмаган бўлардим. Мен бу ерда маънавий камол топдим. Шу ерда оламни танидим, ҳаётни, инсонни шеъриятни севдим...»

Шунингдек, давра сұхбати давомида курсантлар ҳам бу буюк сўз санъаткорининг ижоди, у қолдирган маънавий мерос ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириди. Унинг шеърларидан парчалар ўқишиди.

– Мақсад Шайхзода умр бўйи юксаклика интилиб яшаган инсон, – дейди академиянинг III босқич курсанти Шукрулло Иzzатов. – У эзгу туйғулар билан инсонга меҳр-муҳаббат руҳи уфурган ўлмас асарлар яратди, халқига сидқидилдан хизмат қилди. Шу туфайли унинг номи тарих саҳифаларига мангуга муҳрланди. Тадбир давомида ижодкор ҳақида айтилган фикрлар, келтирилган маълумотлар у ҳақдаги билимларимизни бойитди. Энг асосийси, қалбимизда шундай юртпарвар ватандoshimiz bilan фахрланиш туйғуси ўйғонди.

Севара АБДУЛҲАМИДОВА

ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Адабиёт катта майдон. Унда ўрин топиш учун инсонда катта истеъод бўлмоғи лозим. Шундай катта истеъод эгаси, ўзбек адабиётига тамал тошларини қўйиб кетган улуғ шоирлардан бири, шубҳасиз Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовdir. Дарҳақиқат, шоирнинг шеър ҷашмасидан баҳраманд бўлмаган китобхон йўқ. Унинг китоблари кириб бормаган ўзбек хонадони топилмаса керак. Аслини олганда, шоирнинг ҳар бир асарини ўзига хос – тирик сайёра деб аташ мумкин.



Шундай забардаст шоирни ёд этиш, ижодидан баҳраманд бўлиш мақсадида Чирчиқ олий танқ қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Кўхна тарих шодасида битта маржон ўзбегим!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мағкуравий ишлар бош бошқармаси бош мутахассиси Зулфия Мансурова, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Зоҳиджон Холов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри актёри Мехмонали Салимов ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этишиди.

Тадбирда сўз олган шоир Зоҳиджон Холов Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва ижоди, миллатимизга хос бўлган кенг дунёқарashi, жаҳон адабиётидан самарали таржималари, қолдирган бой адабий мероси ҳақида сўзлаб берди.

Актёр Мехмонали Салимов эса шоир қаламига мансуб театрда саҳналаштирилган асарлардан парча роль ижро этиб берди. Кўтаринки руҳда ўтказилган тадбирда курсантлар Эркин Воҳидов ижодига мансуб шеърлар ўқиб беришиди.

Шоҳсанам НИШОНОВА

— ВАТАН ҲИМОЯСИ – ШАРАФЛИ БУРЧ —

БОЛАСИМАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ!

Миллатимиз келажаги бўлмиш ҳар ўғил ва қизнинг болалик орзуси бор – улғайиб Ватанга, ота-онасига муносиб фарзанд бўлиш. Бунинг учун ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, яхши таълим бериб, болалик орзулари томон қадам ташлашларида ҳар биримиздан муносиб ҳисса қўшиш талаб этилади. Ана шундагина қалбларида ютига садоқат, меҳр-муҳаббат туйғулари жўш урган ёшларимиз билан фаҳрлана оламиз ва аждодларимиз анъаналарини давом эттирган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан жойларда ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Негаки, Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас бурчни ўтаётган юрт посбонлари орасида ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатган, ёшларга намуна бўладиган ҳарбий хизматчилар талайгина. Бундай ҳарбийларимиз бугунги кун ёшларини худди улар сингари Ватанга, ота-онасига муносиб фарзанд бўлишга ундейди.



Пойтахтимиздаги «Миллий» ўйингохининг захира майдонида ўтказилган «Боласиман Ўзбекистоннинг!» номли ҳарбий-ватанпарварлик тадбири ҳам келажагимиз давомчилари бўлмиш ёшларимиз учун унуптилмас лаҳзаларни тақдим қилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ёшлар агентлиги Чилонзор тумани бўлими ҳамкорлигида ташкилластирилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари ёшларга ўз маҳоратларини ва жанговар қурол-аслаҳаларни намойиш этишди. Мактаб ва коллеж ўқувчилари фаҳрий қоровул ва Миллий гвардия бўлинмаси, тажрибали кинологлар, ҳарбий ҳаво-десантчилари нинг чиқишларини томоша қилдилар. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли эса Ватанин мадҳ этиувчи куй-қўшиқларни ижро этди.

Тадбир якунида ёшлар учун жанговар қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалар намойини уюштирилди. Кўзларида ўт чақнаб, ҳарбий хизматчиларга ҳавас билан боқиб турган ёшлар маълум бир вақт ўзларини Ватан ҳимоячилариридек ҳис қилган бўлишса, ажаб эмас. Негаки, жанговар қурол-аслаҳаларни расманасига ушлаб кўриш, улардан фойдаланиш борасида ҳарбий акаларидан қимматли маълумотларни олиш, автомат, тўпконча, снайпер милтифи, пулемёт

каби қуроллар ҳамда сапёрлар, алоқачилар, десантчилар, кинологлар, фаҳрий қоровул бўлинмаси билан расмга тушиш – буларнинг барча-барчаси ўғил-қизлар учун ўзгача олам эди.

Ўзини Равшанбек Эшонқулов деб таништирган болакай эса десантчилар ва ҳарбийлар томонидан намойиш этилган қўл жангига ҳамда бошқа жанговар чиқишлардан ҳайратланганлигини яшира олмади.

– Мен ҳам анчадан буён «Каратэ» тўгараги машғулотларига қатнашаман. Бугунги тадбирда ҳарбий акаларим кўрсатган чиқишларни кўриб, уларнинг маҳоратига қойил қолдим. Мен ҳам келажакда улардек ҳарбий хизматчи бўлишим учун ҳали кўп нарсаларни ўрганишим кераклигини англадим. Ўқиш ва машғулотларда ҳар қандай



қийинчилик бўлишига қарамасдан албатта, ҳарбий бўламан. Тўгаракда ўргангандаримни кўрсатиб берсан майлими? – дейа карат ўсулларини намойиш қилди.

«Боласиман Ўзбекистоннинг!» номли ҳарбий-ватанпарварлик тадбири чин маънода ўзини Ўзбекистоннинг муносиб фарзандиман, деб биладиган ёшлар учун болалик орзуларининг ушалиши учун туртки берадиган воқелик бўлди.

Асрор РЎЗИБОЕВ

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ЭКСКУРСИЯ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва «Шон-шараф» давлат музейига экскурсия уюштириди.

Ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида шонли тарихини яхлит акс этирган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва «Шон-шараф» давлат музейи экспозициялари халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини тўла намоён этиши ва шу аснода ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшиши билан муҳим аҳамият касб этади. Боғ олтита босқичга бўлинган бўлиб, ҳар бир босқич ўзига хос кўргазма ва экспонатлари билан томошибинларни ўзига жалб қиласи. Курсантлар ҳам ўзига хос тарихий оламни акс этирган ҳар бир бўйим бўйлаб қизиқиш билан саёҳат қилиши, энг асосийси, саёҳат давомида

улар халқимизнинг буюк ўтмишидан боҳабар бўлишди, миллатимизнинг қаҳрамон фарзандларига оид қимматли ва қизиқарли маълумотларига эга бўлишди ва ўтганлар хотирасини ёд этишди.

– «Шон-шараф» давлат музейига қилган саёҳатимиз ҳам таассуротларга бой бўлди. У ердаги экспонатларни томоша қиласар эканман, қалбимда шонли тарихимиз, буюк миллатдошларимиз билан фаҳрланиш ҳисси жўш урди, – дейди курсант X. Турдиев. – Кўрганларимдан завқландим. Бу ердаги ҳар бир кўргазма жасоратдан сўзлайди. Аждодлар жасорати эса биз авлодлар учун муқаддас ва азиздир.

Г. ТУРСУНБОЕВА

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРГИБОТИ

Тошкент вилояти Зангиота туманиндағы 19-умумтаълим мактабида «Эр йигитнинг эр йигитга айтар сўзи таъсири бўлади» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари ва ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Ёшлар қалбida жасорат, мардлик ва шикоат каби фазилатларни шакллантириш, шунинг билан бир қаторда уларда ҳарбийлик-дек шарафли ва масъулиятли касбга қизиқишини янада ошириш мақсадида ўтказилган тадбир Мудофаа вазирлиги Махсус авария тиклаш бошқармасининг «Импульс» ансамбли томонидан тақдим этилган концерт дастури билан бошланди. Сўнг олий ҳар-

ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БЎЛДИ



бий таълим муассасаси курсантларининг кўргазмали чиқишилари тақдим этилди. Ёшлар бу саҳна кўринишларини қандай қизиқиши билан кузатган бўлса, мактаб ҳовлисида намойишга қўйилган артиллерия қурол-аслаҳалари, ўқотар қуроллари, шунингдек, муҳандислик, радиацион биологик муҳофаза уст-бошлар, муҳандис-сапёр уст-бошлари кўргазмасини ҳам шундай ўзгача кайфият билан томоша қилишди.

Тадбир доирасида ҳарбийлар ва ёшлар ўртасида бўлиб ўтган сухбат янги орзу-истакларнинг

куртак ёзишига туртки бўлди, десак янгилишмаймиз. Деярли барча ўғил-қизларнинг қалбida ҳарбий соҳага бўлган қизиқишининг кучлилигини бераётган саволларидан ҳам илғаш мумкин. Тадбир меҳмонлари ҳам ёшларнинг истакларидан келиб чиқсан ҳолда Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчиларнинг нуфузи, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшларга давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар тўғрисида, шунингдек, ҳарбий қисмда аскарлар

учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида гапириб, Ватанни ҳимоя қилиш шу юртда униб-ўғсан ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчи эканлигини, Ватан тинч бўлса, юрт обод ва фаровон бўлишини, мамлакат тараққиёт сари юз буришини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб беришди.

Ҳарбий-ватанпарварликни тарғиб этувчи шу каби тадбирлар Тошкент вилоятининг бошқа туманларида ҳам ўтказилди.

Майор Г. ҲОЖИМУРОДОВА

МИНГ МАРТА ЭШИТГАНДАН...

Ёш ўғил-қизларнинг қўлларидағи байроқчаларни завқ билан ҳилпиратишлирида уларнинг Ватанга муҳаббати, миллий армиямизга ишончи акс этиб туриди. Ҳарбий хизматчиларнинг қўл жанг бўйича чиқишиларини синчков кузатиб, ўзининг хато ва камчиликларини баҳолаётган ўғлонларнинг нигоҳларида Қуролли Кучларимиздан ғурур ҳисси яширин. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари билан қўшилиб хиргойи қилаётган бўй қизларнинг товушларида ўзбекона ҳаёга ўралган муҳаббат порлайди.

Мудофаа вазирлигининг ташаббуси билан Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисмлари, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Ёшлар иттифоқи Тошкент вилоят кенгashi ҳамда Бўка тумани ҳокимлиги ҳамкорлигига «Бўстон» маҳалла фуқаролар йигини маданият марказида ташкил қилинган ватанпарварлик тадбирида ана шундай ҳисларни кечирдик.

Ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси, курсантлар томонидан яратилган робототехникалар на-

моиши ёшлар билан гавжум ватанпарварлик бўлди. Уларнинг қизиқишилари, ҳатто бир-бирларига гал бермай ташки-



лотчиларни саволга тутиши ёшлардаги ҳиссисини уйғотди.

Байроғинг баландроқ ҳилпирайверсин, она Ўзбекистоним!

Хусниябону ЖЎРАЕВА

МУТОЛАА

I
ПОЛВОН

1968 йил кеч күз тунларининг бирида Бухородан жўнаб кетган поезд икки кеча-кундуз йўл босиб, қош қорайгандага яйдок, чўл бағридаги Тўра Том бекатига етиб келди ва биз, бўлғуси аскарлар сафар халтларимизни орқалаб, тезрок тоза ҳавога чиби олишига ошиқдик. Бизни кузатиб келган сержантнинг айтишича, бекат аскарлар тилида Тўра Том эмас, турма том деб аталармиш. Бу сўзлар ҳарбий хизмат иштиёқи билан лиммо-лим юракларимизга қаттиқ ботганд бўлса-да, кейинчалик сержантнинг эътирофи қариб дохиёна эканлигига неча марталаб имон келитирдик. Лекин ҳозирча, 15-20 ноғли пахса үй ва бекат биносидан иборат бу гадой топмас гўша, номи тилларда достон бўлган Бойқўнир космодромининг дарвозаси эканини биттамиз ҳам билмасдик. Ва бу ўринда, воқеалар ривожидан бироз ўзиб ҳикоя қилишимга тўғри келади. Бу ерлар факат марказий матбуотда Бойқўнир деб аталар, тўрт томон, минглаб чақирим масофада ракеталар-у ҳарбийлардан бўлак ҳеч зоф йўқ, фазогирларнинг мўъжазгина шаҳарчаси Тўра Томдан 2-3 чақирим нарида, Сирдарё соҳилида жойлашган, аскарлар уни соддагина қилиб «10-майдонча» дейишарди. Лекин майдончаларни том маънода тушуниш керак эмас. Бу манзилларда қитъалараро ядро ракеталари учирладиган ер ости шахтлари, космик кемалар парвоз этадиган ер усти майдончалари яқинида аскарлар яшаши, хизмат қилиши ва дам олиши учун озми-кўпми шароитлар бор эди.

Бу ҳақда батафсил ҳикоя қилишимнинг боиси шундаки, Бойқўнир номи яқин-яқинларгача сир-асор, улуғвор бир маҳобат билан йўғрилганди.

«10-майдонча» Бойқўнирнинг юраги эмас, бу ерда космодром оқсуяклари яшашар, асосий қора меҳнат аскарлар гарданига, улар эса юзлаб чақирим кўм ичкарисида хизмат қилишга маҳкум эдилар.

«10-майдонча»да анча-мунча аскарлар ҳам бўлиб, улар раҳбарият, айрим ўта маҳфий бўлмилар, алоқа хизматида эдилар. Яна бу ерда кичик командирлар тайёрлаш мактаби, бир неча курилиш ва автомобиль батальонлари бор эди. Эҳтимол, яна аллакимлар, алланарсалар бўлгандир. Уларни айтмаганим учун, шаҳар солномачилари мени кечиришар. Ушанда мен, 19 яшар аскарнинг билганим шу эди. Бундан кўпроқ билган, билмоқчи бўлган аскарлар билан маҳсус бўлиш шуғулланар ва бу ҳақда 12253-қисм ҳарбий трибунал бўйруқларини бизга тез-тез ўқиб бериб туришарди.

Хуллас, умумий ҳарбий мажбурият ҳамда тақдир тақозоси билан, ўша тунда мен ва бир гурӯх ҳамشاҳарларим усти ёпиқ машиналарда қариб юз чақирим йўл босиб, 95-майдончага етиб келдик. Биз учун тайёрлаб қўйилган аскарий таомларни нари-бери тановул қилиб, кашармага жойлашгач, донг қотиб қолдик.

Эрталабки нонуштадан сўнг, қисмимиз қип-қизил чўлда жойлашгани маълум бўлди ва бу руҳимизни беҳад тушириб юборди. Улкан шаҳарлар, ям-яшил ўрмонлар, мовий кўз маҳбубалар

Жўра ФАЗИЛ

БОЙҚЎНГИР ЛОЛАЛАРИ

(ҚИССА)

Ухла аскар, ухла бепарво,
Тушларингга кирсин Бухоро...

(Бойқўнирда хизмат қилган буҳоролик аскарлар оғзаки ижодидан)

тўғрисидаги орзулар бир зумда чиппакка чиқди. Биз, урушдан кейин туғилган авлод, қишлоқларда «уруш-уруш» ўйнаб катта бўлгандик, ҳарбий хизматга жон-жаҳдимиз билан ошиқардик. Бу – хаёлнимизда аллақандай улуг'вор гоялар, улкан ишлар билан йўғрилганди. Бу ерда аскарлар жанговар навбатчиликдан турган, қаҷон, қаерда портлаши номаълум бўлган қитъалараро ядро ракеталарига хизмат қилишар, уларни қўриқлашар, янги-янги шахтлар барпо этишаркан. Бу ҳеч қандай жасорат талаб қилмайдиган, зерикари ишдай туюлди бизга ва қалбраримизни беадаб бир дард, ўз-ўзимиздан қониқмаслик хисси чулғаб олди. Баҳтиимизга, командирларимиз, сиёсий ходимларнинг аксарияти ўз ишини пухта билган, зукко одамлар экан. Улар тез орада, бутун инсоният тақдири шу яйдоқ чўлнинг ҳар ер-ҳар ерида, барханлар сийнасига яширинган ракеталарга тўғридан-тўғри боғлиқ эканига бизни ишонтиридилар.

Чўлнинг ҳудудсиз кенгликларида изғирин шамоллар эсар, кўк юзини қоп-қора булатлар қоплаган, қовжироқ янтоқ ва явшонлар беҳол тебранишар, бу манзара юракка ҳазин тўйгулар олиб кирап, ер-у кўйдан соғинч, андух хислари ёғиларди гўё. Уйни тарк этганимиздан бўён, эндигина бир ҳафта ўтган бўлса-да, биз қаттиқ зерикардик, кадрдан юртни кўмсардик.

... Кечга томон бошланган совук ёмғир борган сари кучаяр, дераза ойнасига шитирлаб урилаётган томчилар товушига қулоқ тутганча, ухлаб қолган эканман, бир маҳал гулдиракдек товушдан ўйғониб кетдим.

– Р-р-о-о-т-т-а-а, подъём!

– Тревога!

Бир зумда рота оёққа қалди. Олатасир бошланди, тез кийиниб, сафга турдим. Бир ҳафта мобайнида тез ечишиб-кийинишинг машинин олганимиз кўл келди. Соат миллиари тунги учни кўрсатиб турар, кун бўйи ер тегиб, чарчаган оёқларим ловуллар, уйқуга тўймаган кўзларимни зўрга очардим.

– Хе, отасининг гўрига! – норози тўғиллади ҳамюртим Самад этигининг бир пойини ушлаганча сафга келиб қўшилар экан, – шундай ажойиб тушнинг белига тепдида, кошки эди, давомини кўришинг иложи бўлса... У ҳамон этигидан кўйини олмас, афтидан, пайтавасини яхши ўрай олмаганди. Рота командирининг жарангдор товуши янгради:

– Р-р-о-о-т-т-а-а, смирно! Командами эшит!

– Бугун тунда қаттиқ ёмғир 90-учиши майдончасига ракета олиб бориладиган темир изнинг анчагина қисмини ювиб кетиби. Қисм командирининг бўйруғи шундай: темир йўлнинг бузилган қисмини тонггача тикишларимиз шарт. Бу – жанговар топшириқ. Эрталаб шу издан ракета учиш майдончасига ўтказилиши керак. Взвод-взвод бўлиб, машиналарга чиқисин!

Борган сари кучаяётган ёмғир остида югуриб, бир маромда гуриллаб турган усти ёпиқ баҳайбат машиналарга чиқдик ва зим-зиё, кимсасиз чўлда чамаси

ярим соатча йўл босганимиздан сўнг, кучли проекторлар билан ёритилган ялангликка етиб келдик.

Қисм командири, штаб бошлиғи ва яна шунга ўхашаш катта-кичик бошлиқлар гуриллаб ёнаётган гулханлар ёнида шалаббо кийимларини бироз қуриган бўлиб, алланималар тўғрисидаги баҳлашишар, чехралари серташвиш, тунд эди.

Ёмғир пўлат излар остидаги кўтармани ювиб кетган, биздан олдинроқ етиб келган аскарлар машиналар тўхтовизз ташиб турган майда тошлар, шағал билан шу ерни мустаҳкамлашади. Биз ҳам тайёрлаб қўйилган белкурак, мисранг, чўйчиларни олиб, ишга киришиб кетдик. Кўп ўтмай, совук ёмғир сүяк-сүягимизгача ўтиб, ҳатто пайтаваларимиз ҳам шалаббо бўлди.

Навбатма-навбат кийимларимизни куритиб, яна қўлга белкурак олардик. Шу тахлит тонггача ишладик. Ёмғир ҳам сира тинай демасди. Болалар ҳолдан тойиб, фингший бошлади. Умрида бунақа оғир ишни кўрмаган менга ўхшаганларнинг бўладигани-бўлди, қўлларимиз шишиб, қонга беланди.

– Биз мардикорликга эмас, аскарликка келганимиз-ку, ахир, – йигламисираб қўлларига «кух-кух»ларди малла, нимжон ҳамюртимиз Усмон.

– Ҳе, сода, аскар мардикор эмас деб, сенга ким айтди? – деди кийимларини куритаётган Ризо.

У биздан 1-2 ёш катта, унча-мунча ҳаёттий тажрибаси бор эди.

Суҳбатни жимгина ўшитиб турган штаб бошлиғи гапга араплашиб:

– Лочинлар, кўнкаверасизлар энди. Буниси ҳолва ҳали. Яна шуни қулоқларингга куйиб олингки, билмассангиз – ўргатамиз, истамассангиз – мажбур қиласиз.

Биз жимиб қолдик. Кўзлари ўйнаб турувчи, ўрта бўйли қаримсиқ штаб бошлиғини бир ҳафтадаёқ ёмон кўриб улгургандик, устига-устак, шалаббо кийим-бosh, оч қорин-у, аччиқ изгиринда унинг сўзлари оғир ботарди. Кимдир бўралаб, ўзбекча сўкинди. Штаб бошлиғи турган ерида бир сапчиди, кўзларини ола-кула қилиб, ўшқирди:

– Но, но, полегче! Сўкиниши кўрсатиб қўяман, сен босмачиларга, – у ўзбекчани сал-пал тушунарди, афтидан. Яхшияни, ким сўқинганини билолмай қолди. Акс ҳолда, жазолаши турган гап эди.

Бу орада улкан идишларда биз учун нонушта олиб келишибди ва иссиқина бўтқани совук ёмғирга қўшиб, пакқос туширгач, бироз жонимиз кириб қолди. Энди штаб бошлиғи ҳам кўзимизга унчалик ёмон кўринмасди. У ҳам шаштидан тушуби, нари кетди!

Эрталаб соат тўққизларда ишни туталлаб, сафга тизилдик. Лаънати ёмғир ҳам тинди. Қисм командири саф олдига келиб, қўлини чаккасига кўйди-да, «Жанговар топшириқни бажарганингиз учун ташаккур эълон қиласаман!» – деди.

Штаб бошлиғи ҳақ бўлиб чиқди. Ташиш-азобларимиз кун сайн оша-верди, уйни соғинишга, ғусса чекишига

ҳам вақт тополмай қолдик. Взводимиз командирининг ўринбосари, сержант Харитонов бизга шунча кўп машқ бажартираси эди, кечки овқатга ҳам ҳолимиз бўлмай, сулаид қолардик. У золим эса, тунги йўқламадан сўнг ҳам бизни ухлагани қўймай, кийиниш-ечинишга, Ленин хонасининг полини тиш чўткаси билан совунлаб ювишга мажбур этар ва бундан лаззатланарди, чамаси.

Пичон сүякка бориб тақалгач, ундан қасд олиш режаларини туздик. Аввалига, ўзимизнинг йигитлар навбатчи бўлган тунда сержант Харитоновнинг яп-янги этиги ҳожатхонага этиб ташланди. Золим сержант эрталаб сафга кечикиб, шарманда бўлди, взвод командирларидан танбех эшилди. Лекин унинг зулми баттар кучайди. Шунда биз бир кучоқ шишапахта топиб, кечалари ухламай чиқсин деб, сержантнинг кўрпа-тўшагига жойлаб ташладик. У эса қутуриб кетиб, бизни қайта-қайта навбатдан ташқари хизматларга жўнатаверди.

Ҳа, дарвоқе, бу орада қиши келиб, шундай қаттиқ совук бўлди, кўчага чиққанимизда пахтали шим, пийма кийиб, юз-кўзимизни Москва остонасида асир тушган немисларга ўхшаб сочиқ билан танғиб боғлардик. Ётогимиздаги иситиши қувурлари ёрилиб кетди. Шу совуқдаям Харитонов бизни аямас, картошка тозалаш, ўтин арралашга навбатдан ташқари пайдар-пай юбораверарди. Картошка тозалаётганда бармокларимиз, ўтин арралаганда киприкларимиз қисир-қисир музга айланарди.

Агар бахтили бир тасодиф бўлмаганда, муттаҳам Харитонов бизни қаҷонгача кийнарди, буни ҳеч билмасди.

Янги йил арафасида қисмда эркин кураш бўйича мусобака ўтказиладиган бўлди. Ҳаммага ракиб топилди-ю, «Мен эркин кураш бўйича Украина чемпионим», деб керилб юрган Харитонов билан майдонга тушадиган одам йўқ эди. Харитоновнинг гавдаси ўхиздай, вазиям ҳамин қадар, шу боисдан, унинг оғирлигига тенг ракиб топилмаётганди. Маслаҳатлаша бошладик. Лекин орамизда Харитоновни енга оладиган киши борлигига кўзимиз етмасди. Жуда қийналиб кетдик. Ризо чида буролмади:

– Майли, мен чиқаман. Лекин ўзимиям, сизларни шарманда қилмасам, гўрга эди.

Ризо рост гапиради. У Харитоновни енгиши даргумон. Рози бўлмадик. Финал олишуви бошланишига эса салмоқли дақиқалар колганди.

– Йигитлар, – деди бир чеккада жимгина ўтирган Тоҳир. – Харитонов билан мана, мен чиқаман!

Ҳаммамиз анграйиб қолдик. Чунки бутун умри чўлда кечган бу чўпон йигит Харитоновнинг тенг ярмидан келарди.

– Девона бўлдингми? – қичиридик бирварақайига, – у сени бир силтаса, сукларинги йигиб ололмай қоласан-ку! Қўй, чемпион бўлса, бўлиб кетмайдими?

– Йўқ, жўралар, – мийигида кулди Тоҳир, – йигит кишига ўлиш бор, қайтиш йўқ! У, ахир, қаҷонгача бизни қийнайди!?

Тоҳир бир сўзли экан, уни ниятидан қайтириб бўлмади ва ҳар икки рақиб майдонга тушдилар. Юрагимиз увишиб, Тоҳирдан кўз узмасдик.

Харитонов мийигида қулганича, нописандлик билан даврани бир икки айланди ва зил-замбил қўлини Тоҳирнинг елкасига ташлади. Ташлагани ҳам

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

ЁШЛАРНИ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ КЕРАК



Мамлакат тараққиётида, давлатнинг ҳар жиҳатдан қудратли бўлишида илм-фан қанчалик мустаҳкам ўринга эга бўлса, ёшларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг гоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш ҳам шунчалик мухим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда бу борада мамлакат бўйлаб бир қатор амалий ишларга қўл урилмоқда. Бундай эътибордан армия хизматини ўтаб, уйига қайтаётган ёшлар ҳам четда қолмаяпти.

Шу кунларда Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматчилар билан «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун кредитлардан фойдаланиш» мавзусида банклар ва молия мутахassisлари иштироқидан учрашув ва давра сухбатлари ўтказилмоқда. Алоқачилар ҳарбий қисмида ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва уларга тегишли тушунчаларни бериш мақсадида Халқ банки ва Ипотека банки мутахassisлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда аскарлар ҳарбий хизматдан кейин тадбиркорлик фаолиятини йўлга кўйиш, унинг тартиб-таомиллари тўғрисида банк ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

– Учрашув самимий мулокот тарзида ўтди. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик соҳаларида, ёшлар ўртасида спортни ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва бошқа ўйналишлар бўйича тадбиркорлик қилиш борасида кўплаб саволлар бўлди. Демак, ёшларимиз, баъзилар ўйлаганидек, дангаса эмас, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш керак, – дейди Халқ банкининг Зангиота тумани филиали чакана кредитлар бўйича етакчи мутахassisи Ҳасан Иннатов.

Ф. МЕЛИЕВ

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ



Тошкент вилоятидаги ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида «Турли диний экстремистик оқимларнинг ғаразли мақсадлари ва ҳарбий хизматчиларда уларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш» мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ходими Ихтиёр Абдураҳмонов иштирок этиб, мавзу моҳиятини йиғилиш иштирокчиларига тушунишиб ўтди.

«Ҳозирги замонда диний мутаассиб оқимлар ва турли адашган фирмалар томонидан глобал тарғибот ишлари узлуксиз амалга оширилаётганини ҳисобга олиб, фуқароларимизни, шулар қаторида ҳарбий хизматчиларимизни ушбу хавф-хатарлардан огоҳ этиб бориш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда», – деди нотик.

Ўтказилган тадбир ҳарбий хизматчиларимизнинг билимларини оширишга ва янада огоҳ бўлишга даъват этди.

Капитан Б. ТИЛАВОВ

ТИЗИМЛИ РАВИШДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

„Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурус томонидан кадрларнинг касб-маҳоратини ошириш юзасидан доимий равишида чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳарбий прокуратура органларида хизмат қилаётган ёш мутахassisлар иштироқидан тизимли равишида ўқув амалий семинарлар ташкил этиш ҳам яхши анъанага айланган.

Шундай тадбирларнинг навбатдагиси «Прокурор назорати ва суд-терлов фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳарбий прокуратура органлари олдига қўйилган асосий вазифалар» мавзусидаги ўқув семинаридир.

Видеоконференцалоқа тарзида ташкил этилган тадбирда ёш ходимлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Бос прокуратура масъул ходимлари, Республика Ҳарбий суди судьялари, Ички ишлар вазирлиги Терлов департаменти ва Экспертиза-криминалистика бош маркази мутахassisлари ҳамда Мудофаа вазирлиги офицерларининг суд-хўқуқ ва мудофаа соҳаларида доир ислоҳотлар, қонунчилик ва амалиёт билан боғлиқ мавзулардаги маърузаларни тингладилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги қонунчилик, шунингдек, сўнгги йилларда мудофаа ва суд-хўқуқ соҳаларида амалга оширилган ислоҳотлар, қонунларга ки-

ритилган охирги ўзгартириш ва қўшимчалар, Бос прокурорнинг соҳавий бўйруқлари ва Умумҳарбий низомлар бўйича ёш мутахassisлардан оғзаки синов қабул қилинди.

Бу каби тадбирлар ҳарбий прокуратура органларида хизмат қилаётган ёш мутахassisларнинг назарий билимлари мустаҳкамланиши, касбий маҳорати такомиллашиши, амалиётдаги фаолиятида юзага келаётган саволларига ечим топиши ва амалий кўникмалари янада бойишига хизмат қиласди.

**Адлия майори Шахрух ПУЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**



ШИДДАТЛИ АҲБОРОТ АСРИДА

„Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги фармони ва у билан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси»да жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг мухим шартларидан бири экани алоҳида кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу эса ўз навбатида, жамоатчилик билан алоқаларни таъминлаш ва ҳуқуқий аҳборотни етказишга масъул бўлган прокуратура органлари ходимлари зиммасига ўта масъулиятли ва улкан вазифалар юклайди.

Шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги аҳборот асрода соҳага масъул ходимларнинг амалий кўникма ва касбий маҳоратларини мунтазам ошириб бориш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масаладир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурус томонидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан, Қуролли Кучлар академиясида ҳудудий ҳарбий прокуратураларнинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий аҳборотни ўйналиши бириктирилган ходимлари иштироқида онлайн семинар ўтказилди.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий аҳборот бўлими, «Ҳуқуқ» газетаси таҳририяти, «Ўзбекистон 24» ТРҚ, Мудофаа вазирлиги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар департаменти вакиллари соҳага доир долзарб мавзулардаги маърузалари билан иштирок этишиди.

Сўзга чиқувчилар ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий аҳборотни аҳоли ва ижрочиларга тезкор етказиш, аҳолининг барча қатламлари вакиллари билан бевосита очиқ мулокот қилиш имконини берувчи сухбат ва учрашувлар ўтказиш, тарғибот тадбирларини замонавий аҳборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда амалга ошириш мухим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Шунингдек, бу жараёнларда ҳамда фаолиятга очиқлик ва ошкоралик бериш, шаффофликни таъминлаш, ҳуқуқий аҳборотни ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерларга тезкор, халқчил тилда ва ўсулда етказишда жамоат бирлашмалари, оммавий аҳборот



воситалари ва электрон аҳборот тармоғи алоҳида ўрин тутишига эътибор қаратилди.

Онлайн семинар давомида мутахassisлар томонидан ОАВ, расмий веб-сайтлар ва ижтимоий тармоклардаги расмий саҳифалар учун ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳарбий прокуратура органлари фаолиятига ошкоралик бериш билан боғлиқ хабарлар, мақолалар, видеолавҳалар ва бошқа маълумотлар тайёрлашда, Қуролли Кучларда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратнинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда, эътибор қаратиладиган масалалар хусусида атрофлича тушунишилар берилди.

Тадбир қизиқарли ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

**Адлия майори Алишер ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)



АРМИЯ СПОРТИ – ЎРТИМИЗ ФАХРИ

Ўзбекистон спортчилари 2011 йилги мавсумда 253 та халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 235 та олтин, 229 та кумуш, 325 та бронза, жами 789 та медални қўлга киритиши. Ушбу муваффақиятларнинг қарийб учдан бир қисми армия спортчилари эришишди. Зоро, мавсумда армия спорт клубининг 316 нафар вакили Ўзбекистон терма жамоаларига жалб этилганди.

АРМИЯ СПОРТЧИЛАРИ УЧУН 2011 ЙИЛГИ МАВСУМ

Мавсумда 51,1 фоизи мамлакатимиз миллий терма жамоаларининг аъзоси бўлган 660 нафардан ортиқ юқори тоифали спортчи Марказий ҳарбий спорт клубида (МҲСК) шуғулланди ва ўз маҳоратларига сайқал берди. Уларга 12 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган, 30 нафардан ортиғи олий тоифали мураббий даражасидаги 48 нафар мутахассис устозлик қилди.

Армия спортчилари 2011 йилда халқаро ва юртимиз миқёсида мусобақаларнинг 380 та олтин, 275 та кумуш, 283 та бронза, жами 938 та медалига сазовор бўлишди. Ўзбекистон ўсмирлар, ёшлар ҳамда миллий терма жамоалари таркибида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, «Катта дубулға» ва «Гран-при» туркумига кирувчи йирик халқаро турнирларда иштирок этган МҲСК спортчилари бу мусобақаларнинг 76 та олтин, 59 та кумуш, 67 та бронза, жами 202 та медалига эгалик қилиши. Ваҳоланки, 2010 йилда бу кўрсаткичлар 63 та олтин, 42 та кумуш, 52 та бронза, жами 157 тани ташкил этган эди. Бу 2011 йилги спорт мавсуми МҲСК вакиллари учун янада самарали кечганлигидан далолат.

МАЙОР НОРОВ ИККИНЧИ МАРТА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Тайландда Шарқ яккаурашлари институти ҳамда Халқаро муай-тай федерацияси томонидан 7-Бутунжоҳон шарқ яккаурашлари фестивали ва муай-тайнинг WMF йўналиши бўйича ҳаваскорлар ҳамда профессионаллар ўртасида 8-жаҳон чемпионати ўтказилди. Дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакати вакиллари қатнашган жаҳон биринчилигида Ўзбекистон тайбоксчилари умумжамоа хисобида биринчи ўринни эгалади. Бу муваффақиятга МҲСК вакиллари ҳам мунносиб ҳисса қўшиши, хусусан майор Бахтиёр Норов (71 кг) профессионаллар ўртасида иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. Унинг жамоадоши Ойбек Тошхўжаев (51 кг) эса ҳаваскорлар ўртасидаги баҳсларда дунё биринчилиги ғолибига айланди.

ОСИЁ ГРАН-ПРИСИДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Хитойнинг Жейсинг, Куншан ва Сучжоу шаҳарларида Осиё енгил атлетика федерациясининг (AAF) Гран-при туркумидаги уч босқичли мусобақалари ўтказилди. Унда юртимиз енгил атлетикачилари ҳам муваффакиятли иштирок этиши. Қўлга киритилган 16 та медаллар шодасининг 10 тасига армия спортчилари сазовор бўлиши.

Спортчиларимиз орасида энг яхши натижаларга қисқа масофага югуриш бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси Гўзал Хуббиева эриши. У Осиё Гран-присининг барча уч босқич мусобақаларида 100 метрлик мэррани биринчи бўлиб кесиб ўтди ва 3 та олтин медални қўлга киритди. МҲСКнинг иқтидорли спортчиси Светлана Радзивил Сунчжоуда

1.88 метр баландликдан ошиб тушиб, учинчи марта Гран-прининг олтин медалига сазовор бўлди. Зоро, у Жейсинг шаҳрида 1.88 метр, Куншанда эса 1.91 метр натижা кўрсатиб, Осиё Гран-присининг биринчи ва иккинчи босқич баҳсларида ҳам ғолиб чиққанди. Нафақат МҲСК, балки дунёнинг етакчи спортчиларидан саналган кичик сержант Леонид Андреев Куншанда лангарчўпда сакраш бўйича 5.30 метр баландликдан ошиб тушиб, бу борада Осиё қитъасининг барча вакилларини ортда қолдирди. Ваҳоланки спортчиларимиз 2009 йили Франция ва Польшада ўтказилган Халқаро енгил атлетика федерациясининг (IAAF) Гран-при мусобақаларида

5.70 метр баландликни забт этганди.

Армия спорт клуби вакили кичик сержант Анна Сидорова 800 метрга югурши бўйича Жейсинг шаҳрида ўтказилган мусобақада 2:02.38 дақиқа натижা кўрсатиб, мэррага иккинчи бўлиб этиб келди. Куншан шаҳридаги мусобақада эса 2:03.93 дақиқа натижা кўрсатди ва яна Гран-прининг кумуш медали билан тақдирланди. У Сучжоу шаҳрида ўтказилган учинчи босқич мусобақаларида ҳам иккинчи ўринни эгалади. МҲСКнинг яна уч нафар вакили – кичик сержант Анастасия Журавлёва, Александра Котлярова ва Анастасия Прошкина ҳам Гран-прининг барча уч босқичли баҳсларида иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олиши.

«ЗАМОНАМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ДЗЮДО УСТАСИ»

Армиямиз спортчилари 2011 йил поёнида мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб қатнашиб, Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллик тўйини спорт майдонларида қўлга киритилган ажойиб муваффақиятлари билан қарши олишга ҳаракат қилиши. Бу борада катта лейтенант Ришод Собиров барчани ортда қолдирди. У 2011 йилги мавсумни январь ойида Боку шаҳрида ўтказилган Халқаро дзюдо федерациясининг «Мас-

МҲСК СПОРТЧИЛАРИНИНГ 2011 ЙИЛГИ НАТИЖАЛАРИ

№	Спорт тури	Мамлакат миқёсида			Халқаро майдонда		
		Олтин	Кумуш	Бронза	Олтин	Кумуш	Бронза
1	Баскетбол	1	1	1	0	0	0
2	Бокс	2	1	3	8	5	10
3	Велоспорт	29	33	40	0	0	0
4	Дзюдо	11	4	12	9	8	11
5	Енгил атлетика	107	89	57	8	5	6
6	Кураш	2	4	5	0	4	6
7	Мерганик (ўқ от.)	21	21	17	0	1	1
8	Оғир атлетика	7	4	10	2	3	3
9	Сув тўпи	3	0	0	0	1	0
10	Таэквондо	2	2	5	2	1	2
11	Тенис	7	7	11	7	3	1
12	Трамполин	0	0	0	0	0	1
13	Шарқ яккаурашлари	Армрестлинг	17	9	5	7	8
		Кикбоксинг	3	3	1	0	0
		Муай-тай	6	2	0	3	3
		Қўл жанги	28	3	3	16	5
14	Эркин кураш	17	9	15	4	0	6
15	Эшқак эшиш (байдарка ва каноэ)	13	6	10	1	4	1
16	Юонон-рум кураши	28	18	21	9	8	6
		Жами медаллар:	304	216	216	76	59
			736			202	
			938				





терс» халқаро турнирида зафар қозониш билан бошлади. Сўнг Парижда ва Москвада ўтказилган мукофот жамғармаси 150 минг долларлик «Judo Grand Slam» туркумидаги халқаро турнирларда совриндор бўлди. Юлдузимиз порлок давридаги энг мұхим ютуқ – 2011 йилнинг август ойида Францияда ўтказилган жаҳон чемпионатидаги ғолибикдир. Армия спорт клуби вакили Парижда Людовик Чаммарти (Швейцария), Херман Зунгран (Буркино-Фасо), Фелипе Китадаи (Бразилия), Илгар Мушкиев (Озарбайжон), Жин Вон Ким (Жанубий Корея) ва Хироаки Хираокини (Япония) мағлуб этиб, ўз фаолияти давомида иккинчи марта жаҳон чемпиони бўлди, IJF (Халқаро дзюдо федерацияси) рейтинг таснифида ҳам асосий рақобатчиларини



кatta фарқ билан ортда қолдириди. Жаҳон чемпионати арафасида Халқаро дзюдо федерациясининг 60 йиллик тантаналари ўтказилди ва унда Ришод Собиров «Замонамизнинг энг кучли дзюдо устаси», унинг устози Андрей Штурбабин эса «Энг яхши мураббий» деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Шарқ яккаурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳам 2011 йилги спорт мавсуми якунлари бўйича катта лейтенант Ришод Собировни юртимиз миқёсида «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб эълон қилди. У каноэчи Вадим Меньков билан бирга 2010 йили ҳам мамлакатимизнинг энг яхши спортчиси бўлганди.

МАВСУМНИНГ ЭНГ ЯХШИ НАТИЖАЛАРИ СОЛНОМАСИ ЯНВАРЬ

Хитойда оғир атлетика бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда терма жамоамиз аъзоси Руслан Нуриддинов кумуш, армия спортчisi Мухаммад Бегалиев бронза медалга сазовор бўлди.

ФЕВРАЛЬ-МАРТ

Франция пойтахти Париж шахрида ўтказилган дзюдо бўйича «Катта дубулға» турнирида МХСК вакили кичик сержант Хуршид Набиев бронза медални кўлга киритди.

Германияда ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда юртимизнинг беш нафар, жумладан армия спорт клубининг уч нафар чарм кўлқоп устаси шоҳсупага кўтарили – лейтенант Элшод

Расулов (МХСК) ва Фазлидин Гойибназаров (МХСК) кумуш, лейтенант Аббос Атоев (МХСК) эса бронза медаль билан тақдирланди.

ЎҚ ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ

“ Аниқ белгиланган нишонни мўлжалга олишга кўпчилик кўникан. Масофанинг узоқ-яқинлигига қараб, бу вазифани уddyалай олади. Кутимаганда пайдо бўладиган ҳаракатланувчи нишонни-чи?! Ҳарбий хизматчилар учун бундай нишонларни турли узоқликларда мўлжалга олиш қийин иш эмас. Гап спорт мусобақалари ҳақида кетяпти.

Таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича Гамбург шахрида ўтказилган турнирда МХСК вакиллари Дмитрий Ким ва Акмал Эргашев бронза медални кўлга киритишиди.

АПРЕЛЬ

Абу-Даби шахрида дзюдо бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. МХСК вакилларидан кичик сержант Рамзиддин Сайдов олтин, Фармон Қобулов бронза медалга сазовор бўлди.

БИНГКОК

Бангкок шахрида енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнирда терма жамоамиз аъзолари биттадан олтин ва кумуш ҳамда 2 та бронза медални кўлга киритишиди. Ушбу совринларнинг ярмига армия спортчилари эришиши.

МАЙ

Москва шахрида дзюдо бўйича йирик халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда қатнашган кичик сержант Рамзиддин Сайдов (МХСК) бронза медални кўлга киритди.

ПОЛЬША

Польшада байдарка ва каноэда эшқак эшиш бўйича жаҳон кубоги учун дастлабки босқич баҳслари ўтказилди. Ҳамортларимиздан В.Меньков олтин, Г.Кочнев (МХСК), С.Мирбеков, М.Медетов (МХСК) ва М.Хожиев бронза медалга эгалик қилди.

ИЮНЬ-ИЮЛЬ

Украинада ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда лейтенант Аббос Атоев ва лейтенант Элшод Расулов кумуш медаль соҳибига айланишиди.

ЯПОНИЯ

Японияда енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. Ҳамортларимиздан Г.Хубиев олтин, С.Радзивил ва В.Канатова кумуш, армиямиз спортчisi И.Зайцев эса бронза медални кўлга киритди.

КОЗОГИСТОН

Қозогистонда сув полоси бўйича ўтказилган халқаро турнирда негизини армия спортчилари ташкил этувчи Ўзбекистон терма жамоаси бронза медалга сазовор бўлди.

АВГУСТ-СЕНТЯБРЬ

Бокс бўйича Осиё чемпионатига Жанубий Корея мезбонлик қилди. Негизини армия спортчилари ташкил этувчи мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари битта олтин ва 3 та бронза медални кўлга киритишиди.

Тайландда оғир атлетика бўйича ўтказилган қитъа чемпионатида юртдошларимиз 2 та олтин, битта кумуш ва 2 та бронза медални кўлга киритишиди. Ушбу муваффақиятта армия вакиллари ҳам муносиб улуш кўшишиди.

ДУНЁНИНГ

Дунёнинг 70 та давлати вакиллари иштироқида пойтахтимизда ўтказилган муйй-тай бўйича жаҳон чемпионатида негизини армия спортчилари ташкил этувчи Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

ОКТАБРЬ

Озарбайжон пойтахти Боку шахрида бокс бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. 132 мамлакатнинг 738 нафар боксчилари ўртасида 10 та вазн тоифаси бўйича ўтказилган ринг жангларида 4 нафар вакилимиз чорак финалгача муваффақиятли жанг қилди ва XXX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма олди. Чорак финалгача рақибларини ҳисобда катта фарқ билан мағлуб этган лейтенант Элшод Расулов (81 кг) ярим финалда қозогистонлик Одил Ниёзимбетовга 11:9 ҳисобида имкониятни бой берип қўйди ва чемпионатнинг бронза медали билан тақдирланди. Армия спортчisi Жасурбек Латипов (52 кг) ҳам ярим финалда Европанинг амалдаги чемпиони уэльслер Эндрю Селбига 15:21 ҳисобида имкониятни бой берип, бронза медаль билан киояланди.

ДАНИЯ

Данияда кечган трамполин бўйича жаҳон кубоги баҳсларида МХСК вакиллари Екатерина Хилько ва Анна Савкина бронза медаль соҳиби бўлишиди.

ТАРКИБИДА

Таркибида армия спортчилари ҳам бўлган сув полоси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Индонезияда ўтказилган Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллади.

НОЯБРЬ-ДЕКАБРЬ

Тошкентда оғир атлетика бўйича Осиё кубоги баҳслари ўтказилди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 2 та олтин, битта кумуш ва 3 та бронза медалга сазовор бўлишиди. Муваффақиятда армия спортчиларининг ҳам муносиб улуши бор.

ХАЛҚАРО

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) 2011 йилги мавсумни сарҳисоб қилиб, янги рейтингни эълон қилди. Юртимизнинг 6 нафар, армиямизнинг 3 нафар спортчиси IJF рейтингидаги кучли 16 таликлар сафидан ўрин олди ва «Мастерс» халқаро турнирида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

2011

2011 йили МХСКнинг 9 нафар вакили олимпия лецензиясига эга бўлди, яна 31 нафари йўлланма учун курашиш имкониятига эга холда мавсумни якунлади. Армия спортчилари ушбу мавсумда мамлакатимиз ички мусобақаларининг 304 та олтин, 216 та кумуш, 216 та бронза, жами 736 та медалига сазовор бўлишиди.

Мавсум якунидаги армиямиз маҳоратли спортчилари ва уларнинг мураббийлари Марказий офицерлар саройида шарафланди. Энг фаол спортчилар ва мураббийларга Мудофаа вазирининг эсадалик нишони, қимматбаҳо совға ва пул мукофотлари топширилди.

(Давоми газетанинг келгуси сонларида).

Расул ЖУМАЕВ,
«Vatanparvar»



Муаллиф сурʼатта олган

ҲАРАКАТДАГИ НИШОН ИШТИРОКЧИЛАРИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон ўқ отиш федерациясининг ўқ отиш ва стенда отиш мажмуасида бўлиб ўтган стенда отиш спорту бўйича Ўзбекистон кубогида турли ёш тоифасидаги спортчилар ўзларининг бу борадаги маҳоратини синаб кўрдилар.

Ватан ҳимоячилари унда кузатувчи сифатида қатнашишиди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ўқ отиш федерацияси билан ҳамкорликда ташкил килинган ушбу чемпионат Мудофаа вазирининг қўшинларида стендан ўқ отиш спорту турини ҳарбий-амалий спорту сифатида ривожлантириш

ва оммалаштириш йўлида мұхим қадамлардан бири бўлди. Ўрта Чирчиқ туманида мавжуд бўлган спорт ва техник база ҳарбий мутахассисларни ўқ отиш тайёргарлиги бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг аниқ бир тизими равишда олиб борилиши ҳамда йўлга қўйилиш имконини беради.

Абдулла ЎКТАМҖУЛОВ

оѓохлик

Сўнгги кунларда оммавий ахборот воситалари орқали ис газидан юртимиз фуқароларининг, ҳатто бутун бир оиласларнинг заҳарланиб, қурбон бўлаётганлиги тўғрисида турли ўта нохуш хабарлар тарқалмоқда. Бундай баҳтсиз ҳодисаларнинг юз беришига, авваламбор, ўзимизнинг бепарволигимиз, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслигимиз, турли қўлбола ва носоз иситиш ускуналаридан фойдаланишимиз сабабdir.

Ис гази (CO) рангиз, ҳидсиз заҳарли

бирикма. Табиий газ, ёқилфи, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида ҳосил бўлади. Тутун таркибида 3 фоизи, ишланган газда 13 фоизи, портловчи газлар таркибида эса 50–60 фоизгача ис гази бўлади. Унинг таркибида темир мoddаси бўлиб, нафас олиш ферментини парчалайди.

Заҳарланиш оқибати: организмда углерод ва оқсил алмашинуви, кислород етишмаслиги оқибатида эса марказий асаб тизими фаолияти бузилади, асидоз аломатлари юзага келади, бош мияда босимнинг ошиши кузатилади.

РАНГСИЗ, ҲИДСИЗ ЗАҲАРЛИ БИРИКМА!

Агарда ис гази билан заҳарланиш ҳодисаси юз берса:

- заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш;
- нафас олиши тўхтаб қолганда, сунъий нафас бериш (*бемор мустақил нафас олгунга қадар ёки биологик ўлим аломатлари пайдо бўлгунча давом эттириш*);
- бадани ишқалаш, оёқларга иситиш мосламаларини (*грелка*) қўйиш лозим;
- заҳарланиш оқибатларини тугатиш учун қисқа вақт нашатир спирт буғларни хидлатиш (*нашатир спирти* бемор бурнидан камида 1 см узоқлиқда шимдирилган пахта ёки докада бўлиши шарт, акс ҳолда спиртнинг ўткир хиди беморни паралич ҳолатига олиб келиши мумкин).

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, шахсий таркиб орасида баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида масъул мансабдор шахслар томонидан тизимли равишида бўйсунувчилари истиқомат қиладиган хонадонларига ташрифлар уюштириб, улар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилинишини назорат қилиниши ҳамда тарбиявий ва мафкуравий ишлар тадбирлари доирасида тунги вақтларда хонадонларни иситишда носоз ускуналарга уланган табиий газдан фойдаланмаслик, электр энергияси ва газ ускуналарни фақатгина сертификатга эга бўлган мутахассислар томонидан таъмирланиши тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилиши мухимdir.

Огох бўлинг ҳамда ўзингиз ва яқинларингиз соғлигини асранг.

Р. ИСМАГИЛОВ,
Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси бўлим етакчи мутахассиси

ТАТИБ КЎРИБ ҲАМ ЗАҲАРЛАНИШ МУМКИН

Аҳоли ўртасида хонадон шароитида тайёрланган, сифати кафолатланмаган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида овқатдан заҳарланишнинг энг оғир тури – ботулизм касаллиги учраб туради. Ботулизм токсини заҳарланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга ошқозонга тушади, қонга шимилиб, организмга тарқалади. Ботулинотоксин овқат билан одам организмига тушганида, асаб тизимини қаттиқ зарарлайди.

Ҳозирги вақтда консерва маҳсулотларини тайёрлаш корхоналарида зарурий технологик жараёнларнинг амалга оширилиши натижасида ботулизм касаллигининг юзага келиш хавфи йўқолган. Чунки у ерда маҳсулотлар автоклавларда 120°C ортиқ ҳарорат даражасида стерилизация қилиниб, натижада ботулизм бактерияларининг вегетатив ҳужайралари, заҳарли токсин ва споралари нобуд бўлади.

Үй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрлашда бериладиган иссиқлик даражаси 100°C дан ошмайди, банкаларни герметизация қилиш эса ботулизм токсинларининг кўпайиши учун қулай шарт-шароитларни келтириб чиқаради. Шу туфайли үй шароитида касаллик қўзғатувчилари учун қулай озуқа муҳити ҳисобланган гўшт, балиқ, сабзавот ва мевали консервалар тайёрлаш тавсия этилмайди.

9 декабрь – Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган кун. Ушбу қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айrim объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

Заҳарланган одамда касаллик белгиларини икки соат ёки 8-10 кундан кейин ҳам кузатиш мумкин. Беморда ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиши, қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, бир жисм қўзига иккита бўлиб қўриниши (*диплопия*) кузатилади. Шунингдек, у ютиши ва гапиришда қийналади. Бўйин ва оёқ мушаклари заифлашиши касалликнинг клиник белгилари. Агар ўз вақтида токсинга қарши маҳсус даволаш муолажалари қўлланилмаса, bemor токсин таъсирида 2-3 кун ичida вафот этиши мумкин.

Ботулизм касаллигига чалинмаслик учун үй шароитида консерва маҳсулотлари тайёрламаслик ва уйда тайёрланган консерваларни истеъмол қилмаслик, бозорлар ва аҳоли гавжум жойларда фуқаролар томонидан сотилаётган, номаълум шароитда тайёр-

Ботулизм

касаллиги [лот. botulus – колбаса] – Clostridium botulinum бактериялари билан ифлосланган овқатлар истеъмол қилинганда юзага келади. Ботулизм қўзғатувчилари табиатда кенг тарқалган бўлиб, чидамли (*спорали*) ва чидамсиз (*вегетатив*) хиллари учрайди. Споралари ташки мухитда йиллаб сакланиши мумкин; споралар тупроқдан сув, мева, сабзавот, озиқ-овқат, ем-хашакка ўтади, кейин одам ва ҳайвонлар ичагига тушшиб, сўнгра нажас билан ер юзига тарқалади. Ботулизм микроби факат анаэроб (*хавосиз*) шароитда ривожланади. Улар ана шу шароитда кучли заҳар (эксотоксин) ҳосил қиласи.

Касаллик асосан озиқ-овқат

ланган, сифати кафолатланмаган мева-сабзавот консервалари, дудланган гўшт ва балиқ маҳсулотларини сотиб олмаслик, харид қилишдан олдин уларнинг сифатини кафолатловчи сертификатини сўраш мақсадга мувофиқидir.

Мева ва сабзавотлардан тайёрланган консерва банкаларини очидан олдин уни чайқашдан, яхшилаб кўздан кечириш, яъни банкадаги суюқликнинг

тиниқлигига, маҳсулотнинг эзилмаганлигига эътибор бериш лозим ва шуни эсда тутиш кераки, айrim ҳолларда ботулизм билан зарарланган консерва маҳсулотларининг ташки қўриниши ва таъмида деярли ўзгариш кузатилмайди. Консерва банкаси копқоғи кўтарилиган, очилиб кетган, таъми ўзграган бўлса, бундай маҳсулотни истеъмол килмаслик керак. Унутманг, ҳатто татиб қўриш орқали ҳам заҳарланишнинг мумкин.

Тиббий хизмат майори М. ЯРАЛОВА,
тиббий хизмат капитани А. ИБРАГИМОВ,
Мудофаа вазирлиги санитария-эпидемиология
назорат маркази санитария-гигиена бўлими

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Ҳарбий хизматчилар томонидан экология фанини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қўшиларнинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини таъминлашдаги комплекс вазифаларнинг обьектив фаолиятини, уларнинг жойлашув нуқтадаги умумий экологик ҳолатнинг салбий таъсирини, тинчлик шароитида ҳарбий тизим элементлари ва жанговар ҳолатга келтириш ҳаракатларида атроф-муҳит экологик мувозанатини бузишининг ўзига хослигини ўрганишдан иборат.

Нафоқат саноат чиқиндилари, қолверса, ҳарбий қисм кундалик фаолияти натижасида табиатнинг ифлосланиси ҳам экологик муаммоларга олиб келади. Чунки бу одамларнинг яшаши учун зарур бўладиган умумий биологик шарт-шароитни ёмонлаштиради. Шундай экан, ҳар бир ҳарбий қисм мансабдор шахслари экологик хавфсизлик мажбуриятларини сидқидилдан бажариб содир бўлган экологик муаммоларни бартараф қилиш бўйича ўз вақтида, тезкор ҳаракатлар олиб борсалар, бўлажак экологик муаммоларнинг олдини олиш, келажак авлодга мусаффо табиатни инъом этиш каби долзарб бурчини адо этган бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни юқорида кўрсатилган муаммоларни бартараф этишда алоҳида ўрин тутади. Ушбу қонунга (4-модда) асосан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий ўқув муассасаларида экология фани ўқув дастурига киритилиши ҳарбий қисмларда экологик муаммоларнинг олдини олишда ва мансабдор шахслар томонидан экологик хавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини самарали бажаришларида катта роль ўйнайди.

Шерзод ХОЛМИРЗАЕВ,


Мудофаа вазирлиги Таъминот департаменти бўлим бош мутахассиси.
Гулхумор ЗАКИРОВА, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази бош мутахассиси

МУДОФААГА КҮМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ҮРНІДА

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИ

„ Ўзбекистон мудофаасига күмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши мутасадди раҳбарлари билан боғланиб, оммавий қасб мутахассисларини тайёрлаш ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида самарали фаолият юритаётган ташкилотлар ҳақида сўраганимизда, улар ҳурмат билан Ғафур Рўзимов раҳбарлигидаги Тўпроққалъа туман ўқув-спорт техника клубини (ЎСТК) тилга олдилар.



Чиндан ҳам бугун ёшларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали ҳамда оммавий ватанпарварлик ишларига жалб этишини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган туман ЎСТК аъзолари ўзларидаги тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилятиятларини тўла намойиш этишмоқда. Ташкилот жамоасининг бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бораётганлиги муваффақиятлар омили бўлмоқда. Тўғри, иш жараёнида айrim қийинчилкларга ҳам рўбарў келинади. Лекин ҳамжиҳатлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

– Ўқув жараёnlари айни пайтдаги пандемия шароитидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этилмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Ғафур Рўзимов. – Бу борада «АИС-Ватанпарвар» электрон ўқув қўлланмаси ва бунинг асосида ишлаб чиқилган ягона тест дастури дарс машғулотларини масофадан онлайн олиб бориш имкониятини бермоқда. Мавжуд синфхоналаримиз замон талаблари асосида жиҳозланган. Тингловчиларимиз амалий машғулотларни замонавий ўқув автомобилларида амалга ошироқдалар. Шу боис ҳам ташкилотнинг муҳим йўналишларидан бири оммавий қасб ходимларини тайёрлаш ишлари ҳам муваффақиятли олиб борилмоқда. ЎСТКда айни пайтда «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон мудофаасига күмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Тўпроққалъа тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси барча «ватанпарвар»чиларини 23 ноябрь – «Ватанпарвар» куни билан табриклаб, ҳамкасларга ишларида омад, шахсий ҳаётларида муваффақият, ўзларига сиҳат-саломатлик тилайди.



Бугунги кунга келиб, бу ерда юқори малакали, кўп йиллик иш тажрибасига эга ўқитувчи ва амалий бошқаришни ўргатувчи-усталар талайгина. Уларнинг тажрибасидан унумли фойдаланиш натижасида машғулотлар самарадорлиги ошиб, бўлажак ҳайдовчиларга автомобилларни моҳирлик билан бошқариш сир-асрорлари сифатли ўргатиляпти.

Тўпроққалъада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бир қаторда, уларни жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳаво милтиғидан ўқ отиш, ёзги биатлон, авиамодель ҳамда дуатлон каби спортнинг техник ва амалий турларидан секциялар фаолият юритмоқда.

Айни пайтда ЎСТК аъзолари фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Бу амалий ҳамкорлик ўз навбатида ижобий самара бермоқда.

Акбар АЛИ



ЖАСОРАТ ЛАВҲАЛАРИ

ЎЗБЕКНИГ Арслон ўғлони

(вокеий ҳикоя)

1943 йил, жанг майдони. Фашистларга қарши олиб борилаётган жанговар ҳаракатлар авжида. Қаҳратон қиш. Табиат ҳам душманга қарши тургандек, бор вожоҳатини ишга солган. Қор бўрони ярадор йўлбарсдек ўкирар, кўз очиргани қўймасди. Узоқ чўзилган қишининг қаҳри аскарлар учун ўзига хос матонат синови эди. Иссик ўлкада вояга етган Бois Эргашев каби йигитларнинг бу синовни енгиб, душманга қарши туриши осон эмас. Аммо ҳаёт-мамот остонасида фашистлар билан юзма-юз туриш, босқинчиларга бўлган нафрат жангчиларга бардош, сабот ва жасорат туйғуларини баҳш этарди.

ҲАҚИҚИЙ АСКАРЛИК СИНОВИ

Жанг аёвсиз давом этмоқда. Фашистлар қўшинларимиз позициясига тўп билан ҳамла қилгач, автоматчиларини ишга солди, кўзи қонга тўлган босқинчилар бостириб кела бошлади. Жанг майдони ярадорлар билан тўла. Оддий аскар Bois Эргашев командирнинг буйруғига кўра, фельдшер Петров билан бирга ярадор жангчиларга ёрдам бермокда. Кутимаганда окопдан келган хабар уни эсанкиратиб қўйди: «Катта лейтенант Поликарпов яраланди». Бундай қалтис вазиятда командирнинг сафдан чиқиши хавф устига хавф дегани. Буни яхши тушунгган Bois ўқ ёмғири остида шериги билан ўша томонга шошилди. Командирни хавфсиз ерга олиб чиқиб, ярасини боғладилар ва зудлик билан окопга қайтиши. Вақт ғанимат, душман автоматчилари қарши туриш лозим. Ғалабани таъминлаш шарт. Йўқса, ҳалок бўлганлар ва ярадорлар сони яна ортади.

Эргашев турган окопнинг чап томонида мохир пулемётчи Гадаяров қуролини тинмай «сайратиб», душманни обдон «сийламоқда». Шу томондан келаётган босқинчиларни бош кўтаришга йўл бермаяпти. Бирдан унинг пулемёти жим қолди. Қор ичидан паноҳ топган фашист автоматчилари жон кирди, ҳужумга ўтди. Bois Гудаяров позицияси томон эмаклаб кетди. Ортидан санитар сумкаси билан Петров йўл олди. Тез ҳаракат қилинмаса пулемётчи кўп қон йўқотади, вақт бой берилади. Бунинг учун эмаклаш эмас югуриш зарур. У шундай қилди, ортидан шериги. Бироқ оғир яраланган жангчини тезлик билан окопдан олиб чиқиш мушкул. Телбаларча бақираётган немислар яқинлашиб қолган. Шунда Bois Петровга «сен унинг ярасини боғла», деди-ю ўзи автоматга ёпиши. Яна сайдрай бошланган автомат билан фашистларни «мехмон» қила бошлади. Ҳайқириб келаётган босқинчиларнинг уни ўди, қор ковлаб ер бағрига чекинди...

Ҳужум тўхтатилди, душман қораси қўринмай қолди. Шундай бўлса-да, Эргашев совук жимликни бузуб, пулемётдан ўқтин-ўқтин ўтиб турди. У нафасини ростлаб, пешонасидан оқаётган терни артар экан, енгил тин олди. Ўзининг жангчи бўлиб тобланганини илк бор ҳис қилди.

ИМКОНСИЗЛИК АЛАМИ

Қўмондонлик Bois Эргашев хизмат қилаётган эскадронга янги топшириқ юклиди. Разведкачиларимиз душманнинг ўрмон томонга чекиниб, ўша ерга мустаҳкам ўрнашиб олиш ниятида эканлигини маълум қилди. Вазифа немисларни ўрмонга яқинлаштирамай, очиқ майдонда тормор қилиш.

Бир гуруҳ отлиқ аскарларимиз ўрмонга кириш учун жадаллик ила ҳаракат қилаётган немис автоматчиларининг устига от солиб қира бошлади. Bois ҳам оти билан лочиндек учиб, сойдан тепаликни кўтарилиди. От жиловини тортиб атрофни кузата бошлади. Пичан ғарамига тўла кенг майдоннинг қаериладир душман пулемёти тириллар, ғарам билан ниқбланган манфурларни аниқлаш мушкул эди. Шунда, майдоннинг бошқа томонидан от солиб келаётган икки фашистга кўзи тушди. От жиловини улар томонга бурди ва иккисини ҳам ер тишлатди. У яна тепаликни кўтарилиб, ўзимизниларни топмоқчи бўлди.

Аммо оти бир неча марта сакраб, кети билан ўтириб қолди. Туриш учун бир-икки ҳезланди аммо туролмади, иҳраб ёнга ёнбошлади. Унинг оёғини душман ўки синдириб юборганди. Эргашев жангга киришиб кетиб, пичан ғарамлари томондан отилаётган пулемётни унутиб қўйганди.

Bois от узангисидан оёғини чиқарди-ю, сой томон ўрмалаб кетди. Бироқ қалин қорни ёриб эмаклаш анчайин мушкул. У душман кўзидан пана бўлиш учун қорни ковлаб траншея очар, изғирин совуқда бағрини қорга бериб секин-аста силжиб бораради. Бу ҳаракати билан бир кунда юз метр ҳам олға босолмаслигига кўзи етса-да, бош кўтариш ҳам ўлимга юз тутиш билан баробар эди. Фашистлар майдоннинг ҳар қаричини ўқча тутмоқда. Boisning автоматида эса ўқ тугаган. Йигит чуқур ертўла қазиб, қоронғи тушгунча қор ичиди ўтиришга қарор қилди.

Отишмалар тингач, у кор окоп ичидан хиёл бош кўтариб, атрофни кузата бошлади. Майдонда тирик жон кўринмайди, у ер бу ерда жасадлар ва пичан ғарамлари қорайиб қўзга ташланади. Бироқ аллақаерда одамлар қорни гирчиллатиб келаётганга ўхшайди. Эргашев ҳушёр тортди, атрофни кузата бошлади. Майдонда бир тўп немислар пайдо бўлди. Фашистлар тўрт жангчини милтиқ кўндоғи билан уриб, ҳайдаб келарди. Қош қорайиб қолган. Немислар асиirlарни Boisдан етмиш метрлар чамаси наридаги пичан ғарами олдига олиб келди. Уларнинг овозидан фашистлар қийнаб, сўроқ қилаётгани сезилиб турарди. Йигит ноиложликдан алам билан гижинар, қўлларини мушт қилиб қаттиқ қисарди. Айникича, узокдан келаётган кимнингдир инграши кўксига ханжардек ботарди. Қуролдош дўстлари душман қўлида дўзах азобини чекмоқда, у эса ноилож, қуролида ўқ йўқ. Бундан ортиқ азоб бўлмаса керак.

Қасос олиш истаги бутун вужудини қамраб олган йигит беихтиёр окопдан кўтарилиди. Аммо нима билан курашади, қандай, ўзи билмайди. Фашистларга сездиримай яқинлашиб олса бўлгани. Битта фашистни ер тишлатса ҳам майли. Шунда бир ғарам ичиди мотор тириллай бошлади. У танк овози эди. Асиirlарни қийнаётган фашистлар ортга чекиниб, қўл-оёғи боғланган жангчилар майдонда қолди. Ўша заҳоти душман танки ўлимга тик бокиб турган йигитларни босиб ўтиб кетди. Ноҷорлик, алам ва андуҳда қолган Bois окопга гурсиллаб йиқилди-ю, қўллари билан юзини беркитиб инграб юборди...

ЖАСОРАТГА БОШЛАГАН ҚАСОС ЎТИ

Кунлар ойларга уланди. Қўкси фашистларга нисбатан қасос олови билан ёнган старшина Эргашев босқинчиларга қарши курашда доим олдинги сафда бўлди. Қиши ўтиб баҳор шабадаси эса бошлади. Ерга сув бўлиб сингиган қорлар ўрнини кўм-кўк майсалар эгаллади. Лекин уруш хамон давом этмоқда. Жангчиларимиз Днепрга жанг жадаллар билан етиб борди. Bois дарёнинг жилвакор тўлқинларини биринчи бор кўриб турибди. Бироқ у шоирлар таърифлаганидек зилол ва мусаффо эмас, ўт-аланга ичиди.

Немис босқинчилари Днепр қирғоғига очканадек ёпишиб олган, мудофаа истеҳкомлари курган. Бу қудратли мудофаа қалъасини кўлдан бермаслик учун Гитлер армиясининг асосий

кучлари шу ерга ташланган. Мудофаа учун қулав бўлган ҳар бир аҳоли яшаш жойи, ҳар бир паст-баландлик ўти очиш нуқтасига айлантирилган. Сон-саноқсиз блиндажлар, танк тўсадиган фовлар... Аммо шиддат билан ғалаба сари интилаётган қўшинларимизни бундай тўсиқлар тўхтатиб қололмасди. Шундай жанглардан бирида, душман сафларини ёриб ўтган Эргашев жанг қилаётган қисмни немислар уч томондан ўраб олди. Батальон командирининг буйруғига кўра, Bois ўзи билан бирга алоқачи ва икки жангчини олиб чап қанотга ўтиб олишга муваффақ бўлди. Вазифа масъулиятли, аҳвол жиддий.

— Дўстларим, — деди Эргашев. — Энди бу ердан керак бўлса сўнгги нафасгача орқага чекиниши ўйк.

— Ишончни оқлаймиз, — деди йигитлар бара-варига.

Мана, немислар улар томон яқинлашиб келмоқда. Ер сатҳининг паст-баландлиги фашистлар учун жуда куляй. Аммо бизнинг йигитлар ҳам анои эмас. Улар белгиланган нуқтада қатъий турган ҳолда ўти очишни пасайтирумади. Дастьлабки уриниши беҳуда кетган душман тактикани ўзгартириди, ер бағирлаб, жангчилар эгаллаган тепаликни кўзлаб, ўрмалаб кела бошлади. Уларни автомат билан отиш мушкул эканлигини Эргашев англаб турарди.

— Гранаталар тайёрланг.

— Тайёр...

Қўзланган мақсад, иш берди. Ирғитилган гранаталар портлаб, уларнинг дод-войлари қулоқча чалинди. Лекин майдонни қоплаган чанг ва қуюқ тутун душман ҳаракатини кўздан яшириди. Бундан фойдаланган фашистларнинг тирик қолганлари зум ўтмай, Эргашев окопига гранаталар улоқтириди. Кучли портлаш Boisни караҳт қилиб қўйди, қўзидан ўти чақнади-ю, устига тупроқ фантани ёпирилди. У қўлидаги гранатани душман томонга қандай улоқтирганини ҳам англамай, окопга қулди.

У хушига келганида дастлаб нима бўлганини англай олмади. Қулоғига нимадир эштилар, бироқ кўтарилишига мажоли ўйқ. Бироз вақт ўтиб фикри тиниклаши: «Ахир у қуролдош дўстлари билан окопда эди, жанг қилаётганди». У ён томонга қаромоқчи бўлди ҳамки, қадам товушлари эштилди. Икки немис офицери сафдошларидан бирининг ёнига келиб тўхтади. Улардан бири қўлидаги фонарни ёқиб, ярадорнинг ўзига тўғрилади. Юзи қонга бўялган йигит ҳушсиз ётар, инграр, нималардир деб ғўлдирарди. Тўпкончадан икки ўқ узилди, йигит жим қолди. Фашистлар қўлидаги фонар билан окоп ичидаги нимаики бўлса, ёритиб, тепиб қўрарди. Ниҳоят улар Boisning устига келиб тўхтади. Йигит беҳол қўзини юмди. Фонар шуъласи бир неча дақиқа унинг гавдаси ва юзини ёритди ва ўчди.

Душман офицерлари кетгач, Bois аста ёнбошига ағдарилди. У ҳеч қандай оғриқ сезмас, фақат караҳт эди. Тўрт жангчинидан биригина утирик қолганди. Лекин унга ишониб топширилган позиция айни фурсатда душман қўлида. Командир буйруғи бажарилмади. Сафдошлари «сўнгги нафасгача», деган сўзларига содик қолди. Фашистлар шу курбонлар устида туриб кенгашмоқда, қўшинларимизга қандай зарба бериш режасини тузмоқда. Йигит қатъият ила оёқча турди. «Қандай қилсан, Ватан олдидағи бурчимни бажараман, командирнинг буйруғини адо этаман. Борди-ю позицияни қайтариб ололмасам ҳам ўзбек фарзанди шаънига доф туширмасдан жон бераман». У автоматини қўлга олди. Олдинда старшина Bois Эргашевни унтилмас жасорат ва қаҳрамонлик кутарди...



**Зулфия ЮНУСОВА,
«Vatanparvar»**

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ҲАЁТНИ ҲАЛОЛЛИК БЕЗАЙДИ

“ Қашқадарё вилоятининг чекка туманларидан бири Дехқонободда фаолият юритаётган Узбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят қенгаши тасарруфидаги туман ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) бугунги кунда мазкур ҳудуд ҳалқ хўжалиги учун малакали ҳайдовчилар тайёрлаб бераётган ўқув масканларидан биридир.



Бу ерда ёшлар автомобиль бошқаришнинг «В», «ВС», «С» ҳамда «Е» тоифалари бўйича таълим олишмоқда. ЎСТКда янги тоифаларнинг очилиши бўлажак мутахассисларнинг давр талабига мос, жаҳон андазаларига хос илғор билим олишлари учун шарт-шароитлар яратилишини тақозо этди.

– Шу мақсадда биз ўқув биносини таъмирлаб, синхроналар ва машғулотхоналарни компютерлаштириб, бошқа техникавий жиҳозлар, ўқув адабиётлари ҳамда дарсликлар билан таъминладик, – дейди ЎСТК бошлиғи Жуманазар Сафаров. – Бўлажак ҳайдовчилар автомобиллар қисмларининг тузилиши ва уларга техник хизмат кўрсатиш фани бўйича дизель, бензин ва газ ёнилғисида ишлайдиган двигателлар, уларнинг тармоқ қисмларини совитиш, мойлаш, таъминлаш, ўт олдириш ва юргизиш тизимларини, енгил ва юқ автомобиллари шассиси агрегатларнинг тузилиши ва уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлашга оид чуқурлаштирилган билим оладилар. Шунингдек, «Йўл ҳаракати қоидалари», ҳаракат хавфсизлиги, автомобилларни бошқариш, биринчи тиббий ёрдам ва бошқа фанлар бўйича ҳам чуқур назарий ва амалий билимлар берилади. Ҳар бир тингловчи ЎСТК тасарруфидаги замонавий ўқув автомобилларини ҳайдаб, малакасини ошириб бориш имкониятига эга. Албатта, ушбу ташкилотда ҳам назарий дарслар ма-софадан онлайн тарзда, амалий машғулотлар эса карантин талаблари асосида олиб борилмоқда.

Техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга ихтисослашган ташкилотда ихчам жойлашган автотурагоҳлар, ўқув биноси, автодром ва техник хизмат кўрсатиш шохобчалари уйғун бирлик ташкил этган. Яқинда ушбу иншоотлар қаторига яна бир мажмуа – тингловчилар ётоқхонаси ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Дехқонобод тумани тоғли ҳудудда жойлашгани сабабли узоқ қишлоқлардан қатнаб ўқиётган тингловчиларга шароит яратиш мақсадида ЎСТКда 16 ўринли шинам ётоқхона барпо этилди. Ётоқхонада тингловчилар учун барча шароитлар мавжуд. Улар эндилиқда дарс машғулотларидан сўнг нафақат дам оладилар, балки олган билимларини мустаҳкамлаш учун кўшимча машғулотларда ҳам иштирок этадилар. Бундан ташқари, ҳаво милтиғидан ўқ отиш, дуатлон ҳамда картинг каби спортнинг техник ва амалий турлари билан ҳам шуғулланиш имкониятларига эгалар.

Халқимизда «Ишлашни хоҳлаган одам имконият, истамаган эса баҳона излайди» деган нақл бор. Ҳар қандай муаммонинг ечими бор, албатта. Фақат унга қандай ёндашишга боғлиқ. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатни айрим турдош ташкилотлар теран англаб етсалар айни муддао бўлар эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун дехқонободлик «ватанпарвар»чиларнинг ўз олдилариға қўйган мақсадлари аниқ. Ҳалол меҳнат орқали эл орасида обрў-эътиборга эга бўлиш. Чунки, «Фаровон турмушни ҳалол одамлар безайди, яхшилик кўрган одам фақат яхшиликка интилади», дея бежиз айтилмаган.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ

Фурсатдан фойдаланиб, «Ватанпарвар» ташкилоти Қашқадарё вилояти қенгаши тасарруфидаги Дехқонобод тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси барча ҳамкасларини 23 ноябрь – «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил топган кун билан табриклиди.

Ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!



ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА

Хозирги даврда жуда катта табиий бойликларга, биринчи навбатда инсон ресурслари га (деярли 600 млн киши) эга бўлган, шунингдек, ҳудудидан ўта муҳим денгиз коммуникациялари (Жанубий Хитой денгизи ва Малакка бўғози) ўтган Жануби-Шарқий Осиё дунёning жадаллик билан ривожланиб бораётган минтақаларидан бири ҳисобланади. Шу билан биргаликда, ташки (халқаро терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва қароқчилик) ҳамда ички (диний ва этник зиддиятлар, сиёсий бекарорлик) хатарларнинг мавжудлиги, шунингдек, мазкур минтақадаги асосий давлатлар ва минтақа ташқарисидаги давлатлар манфаатларининг ўзаро тўқнашуви Жануби-Шарқий Осиёда кескинликнинг сақланиб туришига сабаб бўлмоқда.

Минтақадаги роли ва сиёсий мавқенини йилдан йилга ошириб бораётган Вьетнам Социалистик Республикаси ўз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини химоя қилишга, шунингдек, республикага қарашли иқтисодий зона назоратига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бундай вазифаларни самарали ҳал қилишда, табиийки, минтақада катта салоҳиятга эга бўлган ва юқори жанговар қобилияти билан ажралиб турувчи, миллӣ хавфсизликнинг ишончли кафолати ҳисобланувчи Вьетнам Қуролли Кучлари (асосини ҳалқ армияси ташкил этиди) муҳим роль ўйнайди. Сўнгги йилларда миллий армияни янада такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараённида унинг асосий турларидан бири бўлган Ҳарбий денгиз кучлари (ҲДК)га алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қуролли Кучларнинг мазкур тури зиммасига денгиз ҳудудларида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш, денгиз ва базаларда душман гурухларига қарши курашиб, душманнинг ердаги объектларига зарбалар бериш, мамлакатнинг денгиз ташувлари ва алоҳида иқтисодий зоналарини химоя қилиш, Қуруқлиқдаги қўшинларни қўллаб-қувватлаш, денгиз десантлари тушириш ва душман десантларини йўқ қилиш, разведка ва тегишли ҳудудлардаги вазиятни назорат қилиб бориш, денгизда қидирув-қутқарув операцияларини ўтказиш сингари вазифалар юкланган.

КИМ ФОЛИБУ КИМ МАҒЛУБ?

АҚШда Президент сайловлари билан боғлиқ қизиқарли воқеалар ҳамон давом этмоқда. Хусусан, ҳар иккى номзод (амалдаги давлат раҳбари Доналд Трамп ва раҳбатчи Жо Байден) навбатма-навбат ўзини Президент, деб эълон қилмоқда. Бундан ташқари, поча орқали юборилган сайлов бўллентенларида 1850 йилда түғилган фуқароларнинг номлари қайд этилгани, 200 мингдан ортиқ бўйлентенга бир хил имзо қўйилгани аниқланган. Сайловлар бўйича якуний қарор декабр ойи ўрталарида эълон қилиниши кутилмоқда.

ЯНА ПАНДЕМИЯ ХУСУСИДА

Коронавирус билан касалланиш борасидаги бугунги кўрсаткичлар аллақачон баҳорги кўрсаткичларни анча ортда қолдириб кетди. Хусусан, АҚШда ҳозирда бу дардга чалингандар сони 11 миллион, Ҳиндистонда – 8,8 миллион, Бразилияда – 5,5 миллиондан ошган. Россияда деярли ҳар куни салбий антирекордлар қайд этилмоқда – сўнгги вақтларда касалланганларнинг кунлик сони 22 минг кишидан ошмоқда. Дунё бўйича эса деярли 55 миллион киши пандемия асирига айланган, қурбонлар сони эса 1,3 миллиондан ошган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ВЬЕТНАМ ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ

Хозирги вақтда шахсий таркибнинг умумий сони деярли 30 минг киши, резерв 50 минг кишини ташкил этади.

Ташкилий жиҳатдан ҲДК таркибига сув усти ва сув ости кучлари, денгиз авиаацияси, соҳиҳ мудофааси бўлинмалари, денгиз пиёдалари ҳамда маҳсус қўшинлар киради. Улар бешта ҳарбий-денгиз райони, сув усти кемалари ва жанговар катерлар ҳамда денгиз пиёдалари бригадалари, жанговар катерлар дивизионлари, соҳилдаги ракета ва артиллерия дивизионлари, соҳилни мудофаа қилувчи батальонлар, радиотехник полклар ва батальонлардан ташкил топган. Ҳарбий флот учун кадрлар тайёрлаш Ҳарбий денгиз академияси (Нячанг шаҳрида жойлашган) ва ўрта техника билим юртида (Хошимин ш.) амалга оширилади. Сув ости кемалари экипажлари, шунингдек, замонавий қурол тизимларидан фойдаланиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш Австралия, Хитой, Россия, АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатларида олиб борилади.

ҲДК вакиллари оператив ва жанговар тайёргарлик бўйича хорижий шериклар билан ҳамкорликда ўтказиладиган турли тадбирларда, кўп миллатли ҳарбий машҳарда, шу жумладан, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси форматидаги машҳарда мунтазам равишида иштиrok этиб келмоқда.

Вьетнам Ҳарбий денгиз кучлари тасарруфида 300 дан ортиқ жанговар техника, шу жумладан Россияда ишлаб чиқарилган 6 та янги сув ости кемаси, 120 дан зиёд жанговар кема ва катерлар, оператив-тактик ракеталарни ишга тушириш учун мўлжалланган 20 та курилма, 20 дан ортиқ самолёт ва вертолёт, 150 та танк ва зирҳли жанговар машиналар бор. Ҳозирги даврда Вьетнам Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари орасида юқори жанговар қобилияти билан ажралиб турувчи сув ости флотига эга. Мамлакат ҳарбий раҳбарияти фикрига кўра, ҲДКнинг мазкур бўғинини янада тақомиллаштириш Спратли архипелагидаги назоратни кучайтириш, Хитой ҳарбий денгиз кучларининг мазкур минтақадаги жанговар кемаларига самарали қаршилик кўрсатиш имконини беради.

Ҳарбий денгиз кучларини янада ривожлантириш – Вьетнам ҳалқ армиясининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу умуман мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини оширишга хизмат қиласи. Ҳарбий раҳбарият томонидан ҲДКни 2025 йилгача бўлган даврда модернизациялаш бўйича маҳсус дастур қабул қилинган бўлиб, унда қўшиннинг ташкилий-штат тузилмасини тақомиллаштириш, бошқарув ва ҳар томонлама таъминотни оптималлаштириш, замонавий қуроллар ва жанг-

вар техника билан таъминлаш, шунингдек, ҳарбий флотнинг жойлашув тизимини ривожлантириш кўзда тутилган. Бу вазифаларни амалга ошириш учун деярли 1,3 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, унинг деярли 50 фоизи (700 млн доллар) замонавий қуроллар харид қилишга йўналтирилади. Жорий йил охиригача ҲДК таркибида жами 4 та бригада – соҳиҳ кемалар бригадаси, ракета бригадаси, ракета-артиллерија кемалари ҳамда патруль катерлари бригадаси, шунингдек, сув усти кемалари дивизиони ва сув остидаги вазиятни назорат қилиш маркази шакллантирилиши кўзда тутилган. Ҳарбий флот учун «Сигма» типидаги 2 та корвет қуриш, денгиз авиаацияси учун эса Франциядан AS-565MB «Пума» типидаги вертолётлар харид қилиш режалаштирилмоқда.

Истиқболда Вьетнам ҳарбий денгиз кучларининг кемалар таркибини 40 тагача жанговар кема ва 180 та катергача ошириш, шунингдек, қурол ва жанговар техникаларни хорижий мамлакатларидан харид қилиш билан бир қаторда кемаларни маҳаллий кемасозлик корхоналарида қуришни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Хориж компанияларидан тайёр маҳсулотлар харид қилишдан уларни ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиши, зарурий технологияларни олиб келиш ва керакли маҳсулотларни Вьетнам ҳудудида ишлаб чиқаришини ўзлаштиришга ўтиш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакат раҳбариятининг биринчи навбатдаги вазифаларидан бири хорижий шериклар билан ҳамкорликда сув ости кемаларини таъмирлаш ишларини йўлга қўйишдан иборат. Шу мақсадда Вьетнам томони Камранъ ҳарбий денгиз базаси ҳудудидаги заводни фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Келажакда мазкур корхонада ва «Башон» ишлаб чиқариши бирлашмасида барча турдаги кема ва соҳиҳ қурол тизимларига хизмат кўрсатиш кўзда тутилмоқда.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Вьетнам ҳарбий-сиёсий раҳбарияти Қуролли Кучларни, шу жумладан, Ҳарбий денгиз кучларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирда амалга оширилаётган узоқ муддатли дастурлар бу турдаги қўшинларнинг жанговар имкониятларини янада оширишга қаратилган. Шу билан биргаликда, мамлакатнинг илмий-технологик ва саноат салоҳияти Ханойнинг олдинда турган вазифаларни хорижий шериклар билан ҳамкорлик ҳисобига ҳал қилишдан манбаатдорлигини белгилайди.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

САНДУДА 57,7 ФОИЗ ОВОЗ

Молдовада Президент сайловларининг 2-тури бўлиб ўтди. Унда собиқ бош вазир ва «Ҳарбий-саноат» партияси номзоди Майя Санду 57,7 фоиз овоз билан ғалаба қозонди. Амалдаги Президент Игорь Додонга эса сайловчиларнинг 42,2 фоизи овоз берган. Додон рақибини ғалаба билан табриклилаган ва шу билан биргаликда, унинг штаби сайловлар жараёнида кўплаб қоидабузарликлар содир этилганини қайд қилгани ва шу сабабли сайлов натижалари бўйича судга арз қилмоқчи эканлигини билдирган.

МАШХУР САРКАРДАЛАР

Тарихий манбаларда қайд этилишича, фон Блюхер ўз даврида Пруссия (аввал Пруссия герцоглиги, сўнгра Пруссия қироллиги, Иккичи жаҳон урушидан кейин эса Германиянинг федератив маъмурий бирлигига айланган, 1947 йилда Германия Контроль кенгаши Пруссиянинг милитаризм ва реакция таянчи сифатида йўқ қилиниши ҳақида қонун қабул қилган) ҳарбий машинасини қайта тиклаган ва 1814 йилда Наполеоннинг император тахтидан воз кечишига катта таъсир кўрсатган, бир йилдан кейин эса Бонапарт қўшинининг Ватерлоо жангидаги узил-кесил тормор этилишига муносиб ҳисса қўшган саркарда сифатида ном қозонган.

Гебхард фон Блюхер 1742 йилнинг 16 декабрида Росток шаҳрида дунёга келган. Ўн тўрт ёшидан бошлаб швед армиясида хизмат қилган ва Етти йиллик уруш (1756–1763 й – Австрия, Франция, Россия, Испания, Саксония ва Швеция билан Пруссия, Буюк Британия ва Португалия ўртасида бўлган уруш)да иштирок этган. 1760 йилда пруссаклар томонидан асирга олинган Гебхард кейинчалик уларда катта таассурот қолдиради ва пруссияликлар унга 8-гусарлар полкида хизмат қилишни таклиф этишади. Тез орада Блюхер янги армияда ҳам мард ва жасур офицер сифатида обрў қозонади. Бироқ тез орада амалдорлик унга салбий таъсир кўрсатиб, ёш офицер ичкиликбозлиқ, ахлоқсизлик ва қимор ўйинлари сингари нохуш ва кўнгилни хира қилувчи одатларга ружу қўяди ва бу охир-оқибат унинг 1773 йилда истеъфога чиқарилишига олиб келади. Ўзини тиклаб олиш мақсадида бир неча йил мобайнида қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланган Блюхер 1786 йилда Пруссия қироли Фридрихнинг ўлимидан сўнг майор унвонида мамлакат армияси сафига қайтарилади. 1794–1795 йилларда француздарга қарши жанговар ҳаракатлардаги фаол иштироки учун кўплаб орден ва мукофотларга сазовор бўлади, 1794 йилнинг 28 майида Ландау яқинидаги жангда қозонилган ғалаба учун Блюхерга генерал-майор унвони берилади.

1795 йилда Францияга қарши уруш якунига

«МАРШАЛ ОЛҒА»

Таниқли ёзувчи ва тарихшунос Майкл Ли Лэннинг «Юз буюк саркарда» китоби асосида тайёрланган навбатдаги материалда ўз даврининг машҳур қўмондонларидан бири мақомига сазовор бўлган, ишлаб чиқсан ҳужумкор стратегияси учун «Маршал олға» деб ном берилган пруссиялик саркарда Гебхард фон Блюхер ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан танишишингиз мумкин.

етганидан сўнг у Мюнстер шаҳри ҳарбий губернатори лавозимида тайинланади ва бир неча йиллик фаолияти давомида Пруссия ҳарбий тузилмасини янада тақомилластириш ишига катта хисса қўшади.

1806 йилга келиб Блюхер яна жанг майдонига қайтади ва бу сафар Пруссияга ҳужум бошлаган Наполеонга қарши курашади. Бироқ ўша даврда анча кучли бўлган француз армияси бир неча қақшатқич жангда прус қўшинини мағлуб этади. Ҳатто чекиниш вақтида ҳам ўзини ҳар томонлама яхши кўрсатган саркарда ҳамюртлари олдида ўз ҳурмати ва обрўсини йўқотмаган кам сонли қўмондонлардан бири бўлиб қолади.

Бу вақтга келиб Пруссия тўлалигича Франция

фельдмаршал унвонига сазовор бўлади. Россия ва Австрия билан ҳамкорликда Наполеонга қарши кураш олиб борган Блюхер қўшинлари бир қатор муваффақиятли жанглардан сўнг 1814 йилнинг априлида Парижга кириб келади ва охир-оқибат мағлубиятни тан олган Наполеон таҳтдан воз кечишига мажбур бўлади.

Париж забт этилганидан сўнг Блюхер ҳақли равища дам олишга қарор қилади ва уйига қайтади. Аммо бу ҳордик узок давом этмайди. Наполеон ғолиб иттифоқчилар томонидан унга берилган Эльба оролидан қочиб, Францияга қайтгани ва қўшин тўплаганидан хабар топган 72 ёшли Блюхер яна отга минади ва Пруссия армиясига қўмондонликни кўлга олади. Веллингтон билан ҳамкорликда Наполеон армиясига қарши кураш олиб борган Гебхард фон Блюхер бошчилигидаги Пруссия қўшини 1815 йилнинг 18 июняда Ватерлоода бўлган жангда француздарга ҳал қилувчи зарба беради ва уларни чекинишга мажбур қилади. Пруссия кавалерияси томонидан таъқибга олинган душман қўшини мағлубиятни тан олиб, таслим бўлади. Ҳамюртлари ва иттифоқчилар томонидан мард ва жасур қаҳрамон сифатида эътироф этилган фельдмаршал Блюхер ватанига қайтиб, бир неча йил мобайнида кексалик гаштини суради. Бироқ шафқатсиз ўлим ўз ҳукмини ўтказиб, машҳур саркарда 1819 йилнинг 12 сентябрида 76 ёшида Силезияда вафот этади.

Гебхард фон Блюхер моҳир тактик ва стратег бўлмаса-да, ўз мардлиги ва жасурлиги билан тилларда достон бўлган, тенги йўқ жанговар командир сифатида шуҳрат қозонган. Унинг жанговар руҳи аввало пруссакларга, кейинчалик немисларга ҳам катта таъсир ўтказиб, уларни ғала ба ва муваффақиятлар сари етаклаган. Тарихчilar фикрича, Блюхернинг Ватерлоо жангига ўз вақтида етиб келиши Наполеон Бонапарт даврининг тугашига олиб келган ва тарихий тараққиёт жараёнига ўз таъсирини ўтказган.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.



назорати остига ўтган, ёши деярли етмишга бориб қолган Блюхернинг ҳарбий ҳаёти гўёки якунига етиб бораётгандек эди. Аммо бу таассурот алдамчи бўлиб, генералнинг асосий муваффақиятлари хали олдинда эди. 1813 йилда император Наполеон Бонапарт Россияда қақшатқич мағлубиятга учраганидан сўнг Пруссия Франция билан иттифоқчилик алокаларини узади, яна ҳарбий хизматга қайтган Блюхер эса қуруқлиқдаги қўшинлар қўмондонлигини ўз қўлига олади. 1813 йилнинг 13 октябрида Лейпциг яқинидаги ҳал қилувчи жангда француздарни тор-мор қилган қўмондон

мамлакат Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев пандемияга қарши кураш чора-тадбирларига бағишлиланган йиғилишда маълум қилган. «Владимир Путин билан Россия вакцинасини ишлаб чиқарувчи завод қурилиши тўғрисида келишувга эришдим. Ҳукумат бу лойиҳага инвестиция жалб этиш бўйича музокараларга киришди», – деди Тоқаев.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон қардош Қирғизистон ҳалқига навбатдаги инсонпарварлик ёрдамини юборди. Махсус рейс билан Бишкек шаҳрига пандемияга қарши курашда зарур бўлган индивидуал ҳимоя воситалари, дори-дармонлар, махсус тестлар, бир марталик шприцлар ва инъекция тизимлари етказиб берилди. Юкларни қабул қилиб олиш маросимида иштирок этган Қирғизистон бош вазири ўринбосари Эльвира Сурабалдиева Ўзбекистон ҳукуматига кўрсатилган ёрдам учун миннатдорлик билдириди.

ЯНГИ ЗАВОД ҚУРИЛАДИ

Қозоғистонда россиялик мутахассислар томонидан яратилган коронавирусга қарши вакцинани ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод қурилади. Бу ҳақда мамлакат Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев пандемияга қарши кураш чора-тадбирларига бағишлиланган йиғилишда маълум қилган. «Владимир Путин билан Россия вакцинасини ишлаб чиқарувчи завод қурилиши тўғрисида келишувга эришдим. Ҳукумат бу лойиҳага инвестиция жалб этиш бўйича музокараларга киришди», – деди Тоқаев.

ҲАВО АЛОҚАЛАРИ ТИКЛАНАДИ

Тожикистон фуқаро авиацияси агентлиги бошлиғи Икром Субхонзода ва Росавиация раҳбари Александр Нерадько ўртасида бўлиб ўтган онлайн музокараларда ҳар иккى мамлакат ўтасидаги ўзаро ҳаво алоқаларини қайта тиклаш масаласи муҳокама қилинди. Тожикистонда бу масала пандемияга қарши кураш бўйича Республика комиссияси билан мувофиқлаштирилган, Россиядаги айнан шундай штаб эса ҳозирча бунга руҳсат бермагани, аммо йил охиригача бу масала ҳал бўлиши кутилаётгани маълум қилинган.

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ТИР ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

„Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг жойлардаги ўқув-спорт техника клублари малакали ҳайдовчилар тайёрлаш борасида кенг имкониятларга эга ўқув масканлари ҳисобланади.



Ташкилотнинг Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги Ромитан тумани ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) ҳам ўқув жараёни назария ва амалиёт уйғулигига ташкил этилган. Албатта, ташкилотдаги бой тажрибага эга малакали мутахассислар фаолияти билан ҳайдовчилар тайёрлаш тизимининг такомиллашувига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бунинг учун ташкилотимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида мавжуд тоифалар бўйича 787 нафар ҳайдовчилар тайёрланди. Шундан 247 нафари «В», 323 таси «ВС», 48 нафар «Д», 49 нафар «С» ҳамда 125 нафар «Е» тоифали мутахассислар тайёрлашга эришилди. Шунингдек, автотранспорт ҳайдовчиларининг малакасини ошириш бўйича 25 нафар кадрлар ҳам тайёрланди. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган номзодларнинг барчаси автомобиль бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларга эга бўлишиди. Ёшлар ўқувини намунали ташкил этишда фаол ходимларимиздан – Мирзо Бердиев, Шамсиддин Амонов, Бахтиёр Ҳожиев, Бекмурод Ниёзов, Файрат Арипов, Райим Шомуродов, Тўймурод Ашурев,




Чори Ҳамдамов, Зафар Акрамов, Суҳроб Ҳамдамов, Убайдулло Шариповнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бундан ташқари, клубда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам муайян натижаларга эришилмоқда. Яқинда ЎСТКда замон талаблари асосида янги тир қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу ерда ромитанлик ёшлар ҳаво милитигидан ўқ отиш машгулотлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Айни пайтда ташкилотнинг ҳаво милитигидан ўқ отиш, ёзги биатлон, картинг ҳамда мотоспорт каби спорт секцияларида 50 нафарга яқин ёшлар шуғулланмоқда. Улар нуфузли мусобақаларда бир неча бор совринли ўринларни эгаллашди. Умуман олганда, фидойи мураббийлар Ромитанда спортнинг техник ва амалий турларини янада ривожлантириш борасида изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг мақсади – ҳар жихатдан етук ва баркамол ёшларни тарбиялаш.

**Муроджон ҲОЖИЕВ,
«Ватанпарвар»
ташкилоти
Бухоро вилояти
кенгаши тасарруфидаги
Ромитан тумани
ЎСТК бошлиғи**

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги Ромитан тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси ташкилотнинг барча аъзоларини 23 ноябрь – «Ватанпарвар» ташкилоти куни билан самимий табриклиди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги хайрли ишларингизда омад ва муваффақият тилаймиз.



Bolajon



HIYLAGARNING JAZOSI

Ikki o'rtoq bor edi. Biri sodda, ikkinchisi esa hiylagar edi. Ular bir kuni savdogarchilik qilish uchun bir yoqqa ketayotganlarida, yo'ldan bir halta tilla topibdilar. Soddasi hiylagarga:

– Omadimiz keldi, endi bularni bo'lib, orqaga qaytamiz, – desa.

Hiylagar:

– Taqsim qilib o'tiramizmi? Hozir kimga qancha kerak bo'lsa olib, qolganini ehtiyoq qilib berkitib ketaylik. Zarur bo'lganda yana kelib keragini olarmiz, – debdi.

Soddadil uning so'ziga kirib "xo'p", debdi. Oltindan keragicha olib, qolganini bir daraxt ostiga ko'mibdilar. Shaharga yetib kelib, har biri o'z uyiga ketibdi. O'zini aqli deb hisoblagan hiylagar ertasi kun borib, ko'milgan tillaning hammasini olib ketibdi. Soddadil o'z qo'lidagini xarjlab bo'lgach, hiylagar qoshiga kelib debdi:

– Yur, oltindan picha olib kelaylik, juda muhtoj bo'lib qoldim.

Hiylagar u bilan birga tilla ko'milgan joyga boribdi, lekin ular hech narsa topmabdilar. Hiylagar soddadilning yoqasidan ushlab:

– Tillalarni sen olgansan, chunki sendan bo'lak hech kimning bundan xabari yo'q edi, – debdi. Soddadil bechora, olmadim, deb har qancha ont ichsa ham foydasi bo'lmabdi. Hiylagar uni qoziga olib borib, bo'lgan gapni aytib beribdi va tillalarni topib berishini da'vo qilibdi. Qozi:

– Guvoh va dalil bormi? – deb so'rabdi.

Hiylagar:

– Ostiga tilla ko'milgan daraxt guvohlik berib, tillani shu noinsof olib ketgan, dedi – debdi.

Qozi bu so'zni eshitib, hayron bo'libdi. Ancha gap-so'zdan keyin ertasiga guvohlik bergen daraxt yoniga borishga qaror qilishibdi. Hiylagar uyiga kelib otasiga:

– Bu tilla hangomasini o'z foydamizga hal etish sizga bog'liq bo'lib qoldi. Sizga ishonib, daraxt guvohlik beradi, dedim. Endi mening gapimga ko'nsangiz, olib kelgan tillalarim o'zimizga qoladi va yana qo'shimcha shuncha tillaga ega bo'lamiz, – debdi. Otasi:

– Men nima qilishim kerak? – deb so'rabdi.

Hiylagar:

– U daraxtning ichi kovak bo'lib, unga o'n odam bemalol yashirinsa bo'ladi. Kechasi borib, u yerga joylashib olishingiz kerak, ertasiga, qozi daraxt tagiga kelganda, daraxt nomidan guvohlik bersangiz bo'ldi, – debdi.

Ertasi kuni qozi shahardan chiqib, daraxt oldiga boribdi. Tomosha qilish uchun anchagina odamlar ham unga ergashib kelgan ekan. Qozi daraxtga qarab, tillalarning qayerdaligini so'radi. Daraxtdan: "Tillalarni soddadil olib ketgan" – degan sado chiqdi. Taajjublangan qozi daraxt atrofida aylanib yurib, unga diqqat bilan razm solibdi. Daraxtning katta kovagi borligini ko'ribdi-da, hamma gapga tushunibdi. O'ziga-o'zi "Xiyonatga marhamat yo'q", deb daraxt atrofiga shox qalatib o't qo'ydiribdi. Chol biroz chidab jim turibdi, lekin halok bo'lishini bilib, yolvora boshlabdi. Qozining buyrug'i bilan uni daraxt ichidan chiqaribdilar. Qozi savol-javob qilib, haqiqatni bilibdi, soddadilning to'g'riliqini, hiylagarning makri ma'lum bo'libdi. Chol chekkan azobga va nomusga chiday olmay, shu yerning o'zidayoq jon beribdi. Hiylagarni jazolab, adabini beribdilar va otasining jasadini yelkasiga orttirib, shaharga jo'natibdilar. Soddadil esa to'g'riliqi tufayli hamma tillalarga ega bo'libdi.

TOPISHMOQLAR

*Yungi igna,
Burni tugma.
Ko'zi munchoq,
Bag'ri yumshoq.*

*O'rkach-o'rkach tuyalar,
Bir biriga suyalar.
Qimir etmas yil, asr,
Bag'rida xazina, sir.*

*Yoz, kuz bo'yи chirqillab,
Don tashiydi pirillab.*



*"Chiq-chiq" der yo'q
to'xtovi,
Vaqtning aniq o'ichovi.*


*Toping-chi uning nomin,
Sichqonning berar dodin.*

Matematika olami

$$3 + 2 = \square$$
$$4 + 3 = \square$$
$$6 - 3 = \square$$
$$7 - 4 = \square$$

0'yla, Izla, Top!

Suratda nima ortiqcha?



БУ ҚИЗИК

Чингизхон
1155 йилда,
мўғулларнинг
татарлар
устидан ғалаба
қозонишлари
вақтида дунёга
келди. Унинг отаси,
катта қабила
бошлиғи Есугай-
ботир ғалаба
вақтида дунёга
келган ўғлига
Темучин деб исм
берди.

1164 йилда Есугай-ботир ўғлини салкам 10 ёшида уйлантириб қўяди. Темучиннинг рафиқаси Борте жуда яхши тарбия кўрган, ҳуснда ҳам тенги йўқ гўзал эди. У Темучиннинг илк рафиқаси бўлиб, умрининг сўнгги дақиқаларигача унга содик қолган. Улар биргаликда 40 йилдан ортиқ ҳаёт кечиради.

1206 йилда Темучин мўғул империясининг улуғ хонига айланади ва уни Чингизхон дея атая бошлайдилар. Мўғулларнинг қадими анъаналарига кўра, хон бир нечта аёлни никоҳлаб олиши мумкин бўлган. Чингизхон эса иккинчи бор уйланиб, Бортени ранжитишни истамас эди. Бирок Темучиннинг атрофидаги ишончли одамлари у яна уйланиши кераклигини, бу мамлакат ворисларининг сони кўпроқ бўлиши учун ҳам зарурлигини таъкидлар эдилар. Борте ақлли ва жуда оқила эди, у Чингизхоннинг ушбу қарорини босиқлик билан қабул қилди, севимли умр йўлдошининг ҳар бир сўзи унинг учун илоҳий гапдек эди. Ўша вақтларда ҳарбий юришлар чогида асир тушган қизлар жория сифатида саройга олиб келинарди, Чингизхоннинг канизаклари сони икки мингдан ортиқ бўлса ҳам хон уларнинг аксариятини бирор марта бўлсин кўрмаганди.

Кунларнинг бирида мўғул



ЖАВОБСИЗ МУҲАББАТ ТАРИХИ

хони ўз еридан татарларни қувиб чиқармоқчи бўлади. Айнан шу пайтда соҳибжамол татар қизи Егусанга кўзи тушади. У шунчалар гўзал эдики, хон унга уйланмоқчи бўлади. Чингизхон қизга ўз мақсади ҳақида сўзлаған вақтида Егусан бошини қуий солиб, узоқ йиғлади. Ҳайратда қолган хон ушбу ҳолат учун ундан изоҳ талаб қилади. Қиз эса опаси Есүй шафқатсиз мўғуллар қўлида ҳалок бўлиши мумкинлигини айтади.

Аскарлар Есүйни саройга олиб келишганларида у синглиси Егусандан ҳам гўзаллигини кўриб, унга мафтун бўлган хон шу заҳотиёқ тўйга тайёргарлик ишларини бошлаш учун бўйруқ беради. Опасини топганидан боши кўкка етган Егусан ўз ўрнини унга бўшатиб беради. Сўнгра Чингизхон ва Есүйнинг тўйлари бўлиб ўтади. Аммо Есүй хон назарига тушганидан хурсанд эмасди. У ҳамиша тушкун кайфиятда юрар, ҳеч ким билан сўзлашмасди. Хон эса севимли рафиқасининг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиласи, аммо уддасидан чиқолмасди.

Бир куни Есүйнинг ўз юритида татар йигитига кўнгил қўйганини, унинг севимли ёри бўлишни орзу қилганини синглисидан билиб олади. Кун келиб Есүйнинг севиклисига етишни орзу қилишини эшитган хон ғазабланиб, аскарларига уни бирзум ҳам кўздан қочирмасликни буюради. Навбатдаги юришлардан ке-

либ, рафиқалари билан тановул қилиб ўтирган хон Есүйнинг нимадандир безовталигини сезиб қолади. Бу ерда бир гап борлигини билиб, атрофни зудлик билан кўздан кечиришга буйруқ беради. Шу вақт аскарлар орасида бегона йигит борлигини пайқаб қолишади ва уни хон ҳузурига бошлаб келадилар. Йигит ўзини Есүйнинг қаллиғи деб таништиради. Унинг бу гапидан ғазаб отига мингган хон йигитни ўлимга ҳукм қилиб юборади. Қўрқиб кетган Есүй ҳушини йўқотади ва бир неча кун давомида ўз ўтовидан чиқмай, севган инсони учун мотам тутади. Биргина Егусан опасининг дардига шерик бўлади.

Есүйнинг олдида ўзини айборд сезган хон севимли рафиқаси кайфиятини кўтара олмагач, унинг рашкини келтириш мақсадида бирин-кетин соҳибжамол қизларга уйлана бошлайди. Бир неча йил ичida унинг рафиқалари сони 26 нафарга етади. Есүй шунда ҳам ўз ҳолатини ўзгартирmas, лекин ҳаётидан ҳам нолимасди.

Буюк мўғул хони 1227 йилда 82 ёшида дунёдан кўз юмади. Аммо унинг дағн этилган жойи бугунга қадар маълум эмас. Есүйнинг тақдири қандай якун топгани ҳақида бирор-бир тарихий маълумот йўқ. Маълум бўлгани, у ҳеч қачон хонни севмаган. Шу сабаб армонли муҳаббатига вағодор аёл сифатида тарих саҳифаларига муҳрланган.

С. МАМИРЖОНОВА тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Ўз вужудингга
тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен,
Ўзингдин истагил.

Алишер НАВОЙИ

БИЛАСИЗМИ?

Файласуф ва тарихчи Плутарх бир «ажралмас дўсти» ҳақида шундай сўзларни қолдирган. «Бу дўстимни ёқтирамайман, ўзининг фикри йўқ, ҳа десам, ҳа дейди, йўқ десам, йўқ. Афсуски, ундан кечишнинг иложи йўқ». Плутарх кимни ёки нимани назарда тутган?

Айчин ўнин ўсарсан.
Кароғ: инночни аспадже

БИЛАСИЗМИ?

1392 йилда ҳарбий қалья сифатида қайта тикланган Сирдарё бўйидаги шаҳарга кимнинг номи берилган ва у қадимда қандай номланган?

номланган.
матадифида тоҳфада, Абдул
ин Амид Тамид ўғлини тоҳфада
карт ўзинида кийнурнар калпака-
Кароғ: Каинунин Бадо

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Виртуал
куласизми ёки...

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош мұхаррир:
вазифасини вақтингча
бажарувчи
подполковник
Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ

Навбатчи:
майор
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

Саҳифаловчилар:
лейтенант
Рамиз ВАЛИЕВ
Нодирабегим ВАЛИЕВА

Мусаххихлар:
Зебо САРИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА
Муаттар МЕЛИЕВА

Телефонлар:
котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юридик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўллэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг комп’ютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-1162.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: А3.
Адади: 30 582 нусха.
Босишига топшириш вақти:
14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади.
Газета 1992 йилнинг
24 июнidan чиқа бошлаган.
Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акция-
дорлик компаниясида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш.,
Буюк Турон кўчаси, 41-үй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-үй.